БҮТҮН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 76 (1080)
13 АПРЕЛЬ ЯКШАНБА 1958 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

Чигитни яхши ишланган ерларга сифатли экиб олиш—шу куннинг жанговар вазифаси (1-бет).

Бинокорлик бўйича Бутуниттифоқ кенгаши (1-бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: **Н. Бекназаров.** — Коммунистлар авангард бўлган колхозда (2-бет).

1 Май шарафига (2-бет).

И. Сулаймонов, М. Икромов. — Бир артелдаги ҳангомалар (2-бет).

Совет Ҳукуматининг ҳукуматлар бошлиқлари иштироки билан юксак доирада кенгаш чақириш масаласига доир АҚШ, Буюк Британия ва Франция ҳукуматларига Эсдалик хати. (3-бет).

«Бузилмас Иттифоқ». Совет Иттифоқи Партия-Ҳукумат делегациясининг визити тўғрисида Венгрия матбуотининг ёзганлари (3-бет).

Бирлашган Араб Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасида маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун (3-бет).

ГДР Министрлар Совети Президиумининг баёноти (3-бет).

Афғонистон делегацияси Москвага жўнаб кетди. (3-бет).

МАТБУОТ ОБЗОРИ: Танқидий материалларнинг натижаси учун изчиллик билан курашайлик (3-бет).

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ: **С. Мирвалиев.** — Атоқли совет шоири (4-бет).

Чигитни яхши ишланган ерларга сифатли экиб олиш—шу куннинг жанговар вазифаси

☆ ☆

Чигит экишда ғанимат фурсатлар бекорга ўтмасин

Эрта эксанг — эрта йиғасан, дейди колхозчи деҳқонларимиз. Шу шартга тўла амал қилаётган, ишни бугунги шароитга қараб пухта ташкил этаолган, техникани, ишчи кучларини жой-жойига қўйиб ишлатаётган илғор хўжаликларда ғанимат фурсат сира бекор ўтказилмай, етилган ерларга пешма-пеш чигит экилмоқда, шу билан бирга экишга тайёргарлик ишлари икир-чикиригача текшириб кўрилмоқда, аниқланган айрим камчиликлар дарҳол тузатилаётир.

Бу йил экиш ишларини кенг кўламда кучайтириб юбориш учун кўклам унча қулай келмади. Бироқ шунга қарамай областимиздаги пешқадам колхозлар, совхозлар, айрим районлар табиий шароитни тўғри ва усталик билан ҳисобга олган ҳолда экишда вақтдан унумли фойдаланмоқдалар, дала ишларини қизғин давом эттираётирлар. Бундай жойларда ҳар бир қулай фурсатни бекорга ўтказмаслик, мумкин бўлган ерларга дарров чигит экиб олиш учун барча тадбирлар амалга оширилмоқда. Қайси ерга қачон чигит экилиши зарурлиги аллақачон белгиланиб ўша жойга техника, ишчи кучлари олиб бориб қўйилмоқда. Ҳаво жўнашиб кетиши билан тупроғи қумоқ бўлган шундай далаларга чигит экилаётир.

Шароитга қараб ишни ташкил қилиш Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозида, Бекобод районидаги кўпчилик колхозларда, совхозларнинг илғор бўлимларида, Янгийўлнинг юқори зонасидаги коллектив хўжаликларда бирмунча яхши. Бу колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари чигит қанчалик эрта экиб олинса, уни ернинг намига текис униб чиқишини тўғри англаб, ишни намунали ташкил этмоқдалар. Техниканинг, колхозчиларнинг бекор туриб қолмаслиги учун чигит экишни ва ерларни экишга тайёрлашни намунали ташкил этмоқдалар, колхозчилар, механизаторлар ўртасида ўзаро социалистик мусобақани кучайтирмоқдалар, уларнинг унумли меҳнат қилиши учун барча моддий ва маданий шароитларни яратиб бермоқдалар.

Илғор колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотлари экиш даврида далада меҳнат қилаётган пахтакорлар ўртасида мўл ҳосил учун бошланган курашда илғорликка эришаётган колхозчилар, ишчиларнинг тажрибаларини оммалаштирмоқдалар. Болали аёлларнинг дала ишларида актив қатнашиб, чигит экишни қулай фурсатларда ўтказишга муносиб ҳисса қўшишлари учун уларга яхши шароит яратиб бермоқдалар. Бундай хўжаликларда болалар боғчалари ва яслилари намунали ишлаб турибди.

Лекин очиқ эътироф қилиш керакки, областимизда чигит экишнинг бориши, экишга тайёргарлик ҳозирги куннинг талабига мутлақо жавоб бермайди. Биз чигит экишда мусобақалашимиз Ленин орденли Андижон областидан жуда орқада қолиб кетдик. Андижонликлар об-ҳаво ноқулай келган бу йилги кўклам шароитида ҳам ишни усталик билан ташкил этиб, экишни кенг кўламда олиб бормоқдалар. 11 апрелгача Андижан области чигит экишни 22,5 процент бажарибди, бизнинг областда эса шу муддатгача атиги 2,4 процент ерга чигит экилибди.

Аммо бизнинг областдаги кўпгина районларда аввало экишга тайёргарликнинг ўзи қониқарли эмас. Шундай экан, кўпинча шу туфайли ҳам қулай фурсат бекорга ўтиб кетмоқда, ҳатто ҳаво очиқ, экиш мумкин бўлган кунлари ҳам зарур бўлган жойларга техника ва ишчи кучлари ўз вақтида етказиб борилмаётганлиги сабабли тупроғи қумоқ бўлган жойларда ҳам чигит экилмаётир. Октябрь районидаги бир қанча колхозларда ёғингарчилик баҳона қилиниб ҳатто сеялкалар, экиш агрегатлари текшириб кўрилмаган. Экиш мумкин бўлган пайтда эса техника созланмаганлиги учун очиқ ҳаволи кунларда ҳам айрим карталарга чигит экилмай қолган.

Бир қатор районларда экиш ишлари орқага сурилаётгани устига экишга тайёргарлик кўриш ҳам сабабсиз кечикмоқда. 1- Сирдарё МТСи зонасидаги колхозларда ер тайёрлаш ҳам, квадрат-уялаб чигит экиш учун агрегатларни ҳозирлаш ҳам талабга мутлақо жавоб бермайди. Бу МТС хизмат қиладиган колхозларнинг кўпида ерлар яхши текисланмаган, мумкин бўлган карталар кенгайтирилмаган, суғориш тармоқлари тартибга келтирилмаган.

Оржоникидзе, Пискент районларида чигит экишни кенгайтириб юбориш учун етарли даражада ерлар бор. Шунга қарамай бу иккала районда чигит экиш ва экишга тайёргарлик ишлари қониқарсиз уюштирилган.

1957 йил 10 апрелгача областда чигит экиш плани 38,1 процент бажарилган эди. Бу йил шу муддатгача чигит экиш атиги 1,6 процент адо этилибди. Бу йил областимиз пахтакорлари она-Ватанга 475 минг тонна пахта етказиб беришлари керак. Бу шарафли вазифани муваффақиятли бажариш учун даставвал ҳамма майдонларимизга ўз вақтида юқори сифатли қилиб чигит экиб олишимиз талаб қилинади.

Область колхоз ва совхозларида квадрат-уялаб чигит экиш ҳам жуда қониқарсиз аҳволда. Агрегатлар яхши тайёрланмаганлиги ва кадрларнинг пухта ўргатилмаганлиги сабабли квадрат-уялаб чигит экиш юзасидан берилган топшириқ мутлақо ёмон бажарилмоқда.

Маҳаллий партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз, совхоз ва МТСларнинг раҳбарлари ҳозирги кунларда ишни шу зайлда ташкил этишлари керакки, токи ҳаво очиқ кунларнинг бирор соати ҳам бекорга ўтмасин, чигит экишда ҳарбир қулай фурсатдан тўла фойдаланилсин ва экишнинг сифати бузилмасин. Бунинг учун колхозчилар ва механизаторлар, барча техника воситалари чигит экиш мўлжалланган жойларда бўлиши ва ишга тахт бўлиб туриши шарт. Экишда ишнинг сифатли бажарилиши учун экипаж агрегатларининг шахсий масъулиятини ошириш лозим.

Ҳар қандай қулай фурсат ғанимат бўлиб қолди. Чигит экишни муваффақиятли ўтказиш учун бу йилги шароитда кунлардан эмас, ҳатто соатлардан тўла фойдаланиш, ишда озгина бўлса ҳам бўшашувчиликка, хотиржамликка йўл қўймаслик керак. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари қайси ерга қачон чигит экишни олдиндан билишлари, ишни шунга қараб ташкил этишлари, колхозчилар, механизаторлар ва совхоз ишчилари учун қулай иш шароитлари яратиб беришлари зарур.

Бу йил мамлакатга 475 минг тонна пахта етказиб бериш тўғрисидаги социалистик мажбуриятимизни шараф билан бажариш учун дала ишларини пухта ташкил этайлик, ҳар қандай қулай фурсатдан усталик билан унумли фойдаланиб, чигитни сифатли ишланган ерларга тезроқ экиб олиш учун курашайлик!

☆

Мажбуриятимизни шараф билан бажарамиз

Бултур бригадамиз аъзолари 65 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириб, ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан бажарган эдилар.

Бу йил эса бригадамизга 120 гектар майдон ва тегишли қишлоқ хўжалик машиналари бириктириб берилди. Кўпчилик майдонларда кетмон ишлатмасдан ҳосил етиштиришга қарор қилдик. Бу тадбирлар бригадамиз аъзоларини янада ғайратлантириб юборди. Улар ўз ички имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб, кетмон ишлатмасдан, механизация ёрдамида мўл ҳосил етиштириш, деҳқончилик маданиятини ошириш учун ғайрат билан ишга киришдилар.

Ҳозир чигит кузда шудгорланган, нормал ўғитланган ва бошқа тайёргарлик ишлари намунали ўтказилган далаларга экилмоқда. Қир участкаларимизнинг кўпчилик карталарига чигит экиб бўлдик. Чигитни 15 апрелгача тўлиқ ундириб оламиз ва ҳар гектар ерга 90 минг тупдан кўчат бўлишини таъминлаймиз.

А. РАҲМОНОВ,

Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозининг бригада бошлиғи.

Комсомол-ёшлар звеноси 40 центнер учун курашмоқда

Ўтган йилларда Зарифа Убайдуллаевани уста ва эпчил теримчи деб таърифлашарди. Чунки у бултур донгдор теримчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Соҳибахон Ғуломхонова билан мусобақалашиб мавсумда 26 тонна пахта терган эди. Зарифа кўп ва юқори сифатли пахта териш билан бирга ўзи ишлаётган бригада ва звенода мўл ҳосил етиштириш ишига муносиб ҳисса қўшиб келди. У агрономлардан, кекса пахтакорлардан деҳқончилик билимини қунт билан ўрганди, кўпчилик ўртасида ҳурмат қозонди. Шунинг учун бу йил «Пискент» совхозининг 1-бўлимидаги ишчилар уни комсомол-ёшлар бригадасига бошлиқ қилиб кўтаришди.

Зарифа Убайдуллаева бошлиқ бригадада 18 ишчи бор, уларнинг ҳаммаси комсомол-ёшлар. Ёшлар бригадасининг азамат пахтакорлари бу йил 50 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштиришга қарор қилдилар. Улар бу натижага ерларнинг унумдорлигини оширмай, экишга пухта тайёрланмай туриб эришиб бўлмаслигини яхши биладилар. Шунинг учун пахта ерларига 450 тонна гўнг ва ҳархил маҳаллий ўғитларни чиқариб солдилар, карталарни кенгайтирдилар, бекорчи ўватларни текислаб ерга-ер қўшдилар.

Шу кунларда комсомол-ёшлар бригадасида етилган ерларга чигит экиш бошлаб юборилди. Ёш пахтакорлар экишни янги усулда — 50х50 схемаси билан режа сими тортиб ўтказмоқдалар. Улар чигитни қисқа ва қулай фурсатда экиб олиб, ундан кейин бўладиган ишларни ҳам намунали ўтказиш, шундай қилиб мўл ҳосил етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун астойдил курашмоқдалар.

Эркин ШУКУРОВ.

☆ ☆

Чигит экишда барча агрегатлардан тўла фойдаланилмаётир

Гадой Ҳамроев бошлиқ бригадада иш авжида. Дала бўйлаб ҳайқираётган тракторларнинг овози меҳнатни тараннум қилаётгандай. Бу ерда иш конвейер усулда ташкил этилган. Йўлдош Абдурахмонов ҳайдаётган ДТ-54 трактори билан ерлар борона қилинмоқда. Унинг кетидан бир тўда колхозчилар ерларни текислаб чигит экишга тайёрлаб кетмоқдалар. Сонди Эшонқулов бошқараётган универсал билан мана шу етилган бўлиқ ерларга пешма-пеш чигит экилаётир.

«XIX партсъезд» колхозининг илғор механизаторлари иш суръатини соат сайин оширмоқдалар.

— Механизаторларимиздан, — дейди колхоз раиси Ўртоқ Аҳмад Душабоев, — Сотти Исроилов, Носир Арслонов, Қурбон Файзиев Ўртоқларнинг ҳар бири бир кунда 12-15 гектарга етказиб чигит экаётирлар. Йўлдош Абдурахмонов сингари механизаторлар ўз шериги билан кечаси билан ишлаб чигит экишга ер тайёрлаб бермоқдалар.

Қўшни Вильямс номли колхоз далаларида ҳам айни аҳволни кўрдик. Колхознинг барча бригадаларида иш қизғин, ҳамма чигитни тезроқ экиб олиш ҳаракатида.

Ленин номли колхознинг 2-участкасида бир универсал билан бир кунда 15 гектар ерга чигит экилган, лекин пастки ерларда ишлаган универсаллар бундай унумли ишламаётир.

Ҳозир Бўка районидаги бир қатор колхозларда ғанимат кунлардан фойдаланиб, чигитни тезроқ экиб олиш учун тракторларни кечаси билан ишлатиш, ишни конвейер усулида ташкил этиш, мавжуд механизмлардан унумли фойдаланиш, чигит экишни дастлаб яхши етилган қир ерларда ўтказиш, ҳар бир ғанимат фурсатдан фойдаланиш каби тадбирлар кўриляпти.

Бироқ райондаги ҳамма колхозларда иш шу хилда ташкил этилган, ҳамма ерда ҳам ғанимат фурсатдан мақсадга мувофиқ фойдаланилмоқда, чигит экиш суръати тезлаштирилмоқда деб бўлмайди.

Охунбобоев номли колхознинг Сулаймон Пардаев бошлиқ бригадасида универсалчи Қаршибек Назаров чигит экишни бошлаб юборди. Аммо у 50 метрча ерга бир соатда аранг етиб борди. Чунки сеялка ишга тўла мослаштирилмаган эди.

— Сиз бу ерга қачон келган эдингиз? — универсалчи Назаровдан сўрадик.

— Соат бирларда, — деди у.

— Орадан уч соат ўтибди, сеялкани кўздан кечириб, камчилигини тузатиб қўймабсизда...

— Чигит йўқ эди, қанақа қилиб текширишга ҳам хайрон бўлдим...

Колхоз партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Мажид Умаров гапни бошқа томонга бурмоқчи бўлди.

— Биз бу ерга кеча чигит экмоқчи эдик, бўлмади. Тракторнинг занжири чиқиб кетди, — деди у.

Қисқаси бу ерда ташкилий уюшқоқсизликлар юз бермоқда. Кеча тракторнинг занжири чиқиб кетганлиги учун чигит экилмаган бўлса, бугун чигит вақтида келтирилмагани, сеялка текшириб кўрилмагани учун иш юришмай турибди.

Районда ким билан суҳбатлашманг, чигит экишга ҳамма техника воситалари тахт қилиб қўйилгач, ташкилий чоралар жойида дейди. Лекин баъзи фактлар ҳамма жойда ҳам тайёрлик етарли даражада кўрилмаганини очиб қўймоқда.

Ленин номли колхоз ҳосилот советининг раиси Ўртоқ Жўра Тиловов ҳар участкасидаги 2 сеялкадан биттаси нима учун ишламаганини, колхоздаги 9 сеялкадан нимага фақат 5 таси ишлаётганини сўрадик. У, «бир сеялканинг битта катоги йўқлиги учун юргиза олмадик, битта сеялкамиз эса ҳали МТСда, ремонт қилинаяпти» деб жавоб берди. Арзимаган битта каток йўқлиги учун чигит экишга қулай бўлган бир кун бекор ўтган!

«Ленинобод» колхозида чигит экиш қизғиб юборилиши лозим бўлган ҳозирги пайтда бир ДТ-54 трактори бузилиб қолган.

Бўка район пахтакорлари бу йил 13 минг 800 гектар пахта майдонини 14 минг 200 гектарга етказиб, давлатга 31 минг тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Бу мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилиши дастлаб чигитни ўз вақтида сифатли қилиб экиб олишига боғлиқ. Лекин ҳали бу соҳадаги иш кенг кўламда кучайтирилмаган. Чигит экишни тезлаштириш учун район ташкилотлари мавжуд 209 сеялкадан ташқари яна қўшимча равишда 12 та сеялка тайёрлатиб қўйганлар. Бу шубҳасиз яхши. Лекин ҳали ҳамма сеялкалар ишга туширилгани йўқ. Райондаги Охунбобоев номли, «Ленинизм», «Коммунизм», Жамбул номли, Ильич номли бир қатор колхозлар имкониятлари бўлгани ҳолда чигит экишни ҳали қизғиб юборманганлар.

Бўка районида ҳозир чигит экишни ҳар қачонгидан қизғиб юбориш учун ҳамма имкониятлар бор. Шунинг учун барча колхозларда чигит экиш ишларини «XIX партсъезд», Вильямс номли колхозлардаги сингари ташкил этилиши, ишда юз берган баъзи камчиликларга дарҳол хотима берилиши, барча техника воситаларининг, ишчи кучларининг чигит экишга тўла сафарбар этилиши лозим.

Б. ХАЛИЛОВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Колхоз техникаси унумли ишламоқда

Сирдарё районидаги Ильич номли колхоз ўзи учун зарур бўлган барча техникани МТСдан тўла сотиб олди. Бу йилги экиш кампанияси колхознинг ўз техникаси билан ўтказилмоқда. Колхозчилар ва механизаторлар экиш агрегатларининг нормал ишлаши учун курашмоқдалар.

Колхозда трактор-далачилик бригадалари ташкил этилди. Улар бу йил барча ишларни асосан тракторлар ёрдамида бажарадилар ва кетмон ишлатмай пахта етиштирадилар.

Ўртоқ Аҳмад Митонов бошлиқ бригада аъзолари кўпгина ерларига чигитни квадрат-уялаб экмоқдалар. Улар ўтган йили ҳам пахтачиликда шу усулни қўлланиб гектаридан 34,3 центнердан ҳосил етиштирган эдилар. Бу бригада аъзоларининг янги мажбурияти 1958 йилда ҳар гектар ердан 38 центнердан «оқ олтин» етиштириш!

Колхознинг Қ. Абдуллаев, О. Худойбердиев Ўртоқлар бошлиқ бригадалари ҳам бу йил гектаридан 36 центнердан пахта етиштириш учун курашиб, кўклам дала ишларини ҳар тарафлама намунали ўтказаётирлар.

У. ШЕРТОЗОВ,
Қ. ЯХШИЛИКОВ.



Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз аъзолари бу йил 70 гектар ерга маккажўхори экиб, ҳар гектар ердан 40 тоннадан кўкпоя олиш учун курашмоқдалар. Шу мақсадда маккажўхори экиш ишлари қизитиб юборилди. Суратда: 1. Маккажўхори экиш олдидан ерлар борона қилиниб, мола босилмоқда. 2. тракторчилардан П. Каримов ва бригадир М. Мавлонов Ўртоқлар маккажўхори экмоқдалар.

И. Глауберзон ва **В. Сироткин** фотолари.

Чигит экишда суръатга-суръат қўшилаётир

Бекобод районидаги Ленин номли колхознинг Ўртоқ Ғ. Раҳмочов бошлиқ трактор-далачилик бригадаси чигит экишга колхозда биринчи бўлиб киришди. Бригада аъзолари бу йил кўпгина ерларига квадрат-уялаб чигит экмоқдалар.

Илғор пахтакорлар тез-тез ёғингарчилик бўлиб турган бу йилги кўклам шароитида қулай фурсатдан тўла ва унумли фойдаланиш тадбирларини кўрмоқдалар. Эртага қайси ерга чигит экилиши бир кун илгари белгиланиб қўйилади ва барча экиш ишлари ўша ерга олиб борилади. Ҳаво жўнашиб кетиши билан дарҳол чигит экишга киришилади. Шундай қилиб, бригада ҳозиргача 43 гектар ерга 60х60 схемаси билан чигит экиб бўлди. Бу ишда илғор универсалчи Султон Эдилов алоҳида намуна кўрсатди.

Илғорлардан ўрнак олиб ишлаётган Мўйдин Эрматов бошлиқ бригада аъзолари ҳам экиш суръатини кун сайин кучайтирмоқдалар. Улар чигитни сифатли ишланган ва нормал ҳолда ўғит солинган ерларга экмоқдалар.

Райондаги Карл Маркс номли, Дзержинский номли колхозлар, 1-«Далварзин» совхозининг пахтакорлари ҳам етилган ерларга тезроқ чигит экиб олиш учун барча техника ва ички резервлардан тўла фойдаланмоқдалар.

М. АҲМЕДОВ.

Бинокорлик бўйича Бутуниттифоқ кенгаши

10 ва 11 апрелда бинокорлик бўйича Бутуниттифоқ кенгашининг секциялари ишлади.

11 апрель соат 15 да Катта Кремль саройида Бутуниттифоқ қурилиш кенгашининг ялпи мажлиси очилди.

А. Б. Аристов, Л. И. Брежнев, К. Е. Ворошилов, Н. Г. Игнатов, А. И. Кириченко, Ф. Р. Козлов, А. И. Микоян, Н. А. Мухитдинов, М. А. Суслов, Е. А. Фурцева, Н. С. Хрушчев, А. Н. Косигин Ўртоқлар президиумда пайдо бўлишлари билан кенгаш қатнашчилари уларни гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Мажлисда СССР Госстройи раиси В. А. Кучеренконинг ҳамда СССР Госстрой раис ўринбосари С. З. Гинзбургнинг доклади юзасидан музокаралар бошланди.

КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари Ўртоқ Бутусов биринчи бўлиб сўзга чиқди. У айтдики, Москвада уй-жой ва маданий-маиший binolar қуриш жуда авж олиб кетди. Бинокорларнинг бутуниттифоқ кенгашидан кейин ўтган уч йил ичида пойтахтнинг уй-жой фонди қарийб 20 процент кўпайди, 4.150 минг квадрат-метр майдонга эга бўлган уй-жой binolari қурилди ва фойдаланиш учун топширилди. Пойтахт қурилиш индустриясининг базаси кенгайтирилди ва реконструкция қилинди, темирбетон буюмлар, мустаҳкам конструкциялар ишлаб чиқарадиган янги катта корхоналар ишга туширилди. Бироқ, темирбетон деталлар ишлаб чиқаришнинг бу ўсиши ҳам сира кифоя қилмаётир.

Москва бинокорлари, — деди Ўртоқ Бутусов, — 1958 йил учун социалистик мажбуриятлар олдилар ва бу мажбуриятларни муваффақиятли равишда бажармоқдалар. Шу йилнинг биринчи кварталида 409 минг квадрат-метр майдонга эга бўлган уй-жой қуриб битказилди. Бу эса 1957 йилнинг шу давридагига нисбатан 36 процент кўп уй-жой қурилганлигини кўрсатади.

Сўнгра Свердловск халқ хўжалиги кенгаши раисининг ўринбосари Ўртоқ Бараваев сўзга чиқиб, Свердловск областида саноат ва уй-жой қурилиши кенг авж олиб кетганлигини айтди. 1957 йилда 1954 йилдагига қараганда икки баравар кўп уй-жой binolari қуриб битказилди.

Москва шаҳар ижроия комитети архитектура-планлаштириш бошқармасининг бош инженери Ўртоқ Лагутенко ўз нутқида қурилиш ишларини арзонлаштириш масалаларига тўхталди.

Бутуниттифоқ қурилиш кенгашининг 11 апрелдаги ялпи мажлисида СССР Қурилиш ва архитектура академиясининг ҳақиқий аъзоси Ўртоқ Михайлов сўзга чиқди. У ўз нутқини мустаҳкам арматурали темир бетонни қўлланиш масалаларига бағишлади.

Прокат қилиш йўли билан яхлит темирбетон конструкциялар тайёрланмоқда. Шундай усул билан тайёрланган темирбетон конструкциялар уй-жой қурилишни индустриалаштирмоқ учун катта имкониятлар очиб беради. Бундай яхлит деталларни тайёрлашга арзонлик кўп меҳнат сарф бўлмайди. Турли каттакичикликдаги ва қалинликдаги мана шундай деталларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш мумкин. Тажриба учун ясалган станда ҳатто 10 миллиметр қалинликда ҳам деталь тайёрланди. Темирбетон прокат панеллар ишлаб чиқариш учун қурилаётган завод директори Ўртоқ Козлов мана шуларни айтиб бериб, бундай корхоналардаги ишлаб чиқариш технологияси меҳнатни кенг равишда механизациялаштиришга имкон беради, деб таъкидлади.

Ялпи мажлисда Кременчут ГЭСи қурилишининг бошлиғи Ўртоқ Новиков Украина ССРдаги Сталино халқ хўжалиги кенгаши «Металлургхимстрой» бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ Лубенец ва бошқалар ҳам сўзга чиқдилар.

Кенгаш 12 апрелда ўз ишини давом эттирди. (ТАСС).

ТЕАТР ИНСТИТУТЛАРИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ КЎРИГИ

Май ойида Москвада театр институтлари диплом спектакларининг биринчи Бутуниттифоқ кўриги ўтказилади. Бу кўрик СССР Маданият министрлиги томонидан ўтказилади. Кўрикда Москвадаги тўртта олий ўқув юрти, Киев, Харьков, Минск, Тбилиси, Ереван институтлари қатнашади. Москва ва Тбилиси олий ўқув юртлари ҳузуридаги тожик, кабарда, Шимолий Осетия, абхаз миллий студияларини битириб чиқувчилар ўз постановкаларини кўрсатадилар.

Кўрикнинг репертуари кенг ва турли тумандир. Пойтахтдаги Щукин номли билим юрти шоир Светловнинг «Йигирма йил ўтгач» деган пьесасини кўрсатади. Рус классик асарларидан СССР МХАТ ҳузуридаги В. И. Немирович-Данченко номидаги мактаб-студияси Гогольнинг «Ревизор» деган асарини, ГИТИС ва Щукин номидаги билим юрти Островскийнинг «Талантлар ва талантларни севувчилар» асарини кўрсатадилар. Москваликлар Минск театр институти постановкасида М. Горькийнинг «Тубанликда» спектаклини кўрадилар.

Киев студентлари миллий украин драматургиясини — музикали комедияни кўрсатадилар. Ереван театр институтининг студентлари пойтахт тамошабинларини ўзларининг миллий классиги Ширвазоданинг «Ёвуз жин» повести инсценировкаси билан таништиради.

Классик ва ҳозирги замон чет эл драматургияси ҳам намойиш қилинади. Шекспирнинг совет даврида Москва театрларида саҳнага қўйилмаган «Цимбелин» комедиясини ГИТИС (Давлат театр санъати институти) студентлари ўйнайдилар.

Кўрик якунларига бағишлаб конференция ўтказилади. Бу конференцияга мамлакатдаги театр олий ўқув юртларининг педагоглари ва бадиий жамоатчилик вакиллари қатнашадилар. (ТАСС).

„Фрунзевец“ газетасининг қирқ йиллиги

12 апрелда Туркистон ҳарбий округининг Офицерлар уйи биносида «Фрунзевец» газетасининг 40 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлди. Бу мажлисда журналистлар, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг, шунингдек ҳарбий қисмларнинг вакиллари, полиграфчилар, фан ва адабиёт арбоблари қатнашдилар.

Мажлисни Ҳарбий кенгаш аъзоси, Туркистон ҳарбий округи Сиёсий бошқармасининг бошлиғи генерал-лейтенант Е. Е. Мальцев очди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Президиуми баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланди.

Газетанинг редактори полковник А. П. Карбовский доклад қилганидан кейин Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Ж. И. Илҳомова «Фрунзевец» газетаси редакцияси ва босмахонаси ходимларидан бир группасини республика Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонни ўқиб берди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. В. Бабков Фахрий ёрлиқларни топшириб, мукофотланганларни ва редакция ҳамда босмахонанинг бутун коллективини юбилей билан самимий табриклади, уларнинг ўз ишларида янгидан-янги муваффақиятларга эришувларини тилади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Ғ. Н. Нажимов ҳарбий журналистларни қизғин табриклади.

Совет Иттифоқи маршаллари В. Соколовский, А. Гречко, С. Буденнийлардан, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош Сиёсий бошқармасининг бошлиги генерал-полковник Ф. Голиковдан «Фрунзевец» газетаси редакцияси номига олинган табриклар гуллурос қарсаклар остида ўқиб берилди.

«Қизил Ўзбекистон» газетасининг редактори, Ўзбекистон Журналистлар союзи ташкилот бюросининг раиси И. Раҳимов, «Правда Востока» газетасининг редактори С. С. Черник табрик нутқи сўзладилар.

Мажлисда Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони армия генерали И. И. Федюнинский нутқ сўзлади. И. И. Федюнинский туркистонлик жангчиларни тарбиялашда газета катта роль ўйнаётгандигини кўрсатди.

Раислик қилувчи мажлисни ёпиш олдидан округ ва флот газеталари, республика ва область газеталаридан, Совет Армияси жангчиларидан редакция номига жуда кўп табрик телеграммалари олинганлигини айтди.

Мажлис қатнашчилари учун катта концерт қўйиб берилди. (ЎзТАГ).

ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

ССР Иттифоқи Министрлар Совети совет тасвирий санъатининг атоқли арбоби, СССР Халқ рассоми, СССР Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси, СССР Рассомлар союзи правлениесининг биринчи секретари Константин Федорович Юоннинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдиради.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Коммунистлар авангард бўлган колхозда

Пискент районидаги Ворошилов номли колхоз бошлангич партия ташкилоти ҳисобида 20 коммунист бор. Партия ташкилоти бу йил 900 гектар майдонда пахтадан мўл ҳосил етиштириш тадбирларини белгилар экан, асосий эътиборни колхоз ишлаб чиқаришининг ҳал қилувчи участкаларида коммунистларнинг актив иштирокини таъминлаш ва уларнинг авангардлик ролини оширишга қаратмоқда.

Ватанимиз пойтахти Москвада бўлиб ўтган пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгашида пахтадан юқори хосил етиштиришнинг муҳим тадбирлари белгиланди, юксак мажбуриятлар қабул қилинди. Шундан сал кейин КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришда жуда катта аҳамиятга эга бўлган муҳим масала ҳақидаги қарори бутун совет халқи томонидан якдиллик билан маъқулланди. Ниҳоят СССР Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида бу тадбирлар қўллаб-қувватланган ва барча совет кишиларининг иродаси ифодаланган Қонун қабул қилинди.

Партия ва ҳукуматимиз кўрган бу оқилона тадбирлардан илҳомланган колхоз аъзолари шу кеча-кундузда астойдил меҳнат қилиб, кўкламги экишга тайёргарликни ҳар тарафлама кучайтирмоқдалар.

Колхоз аъзоларини бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириш ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш учун курашга сафарбар этишда партия ташкилоти (секретари Ўртоқ А. Абдимўминов) баъзи муҳим тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, пахтачилик бригадаларини коммунистлар ҳисобига мустаҳкамлаш масаласи кун тартибига қўйилди. Ташаббускор коммунистлардан Абдукарим Суюнов, Аҳмадали Қорабоев, К. Абдурахмонов, Солиха Валиева, Усмон Малёров ва Чай Ир Тюн ўртоқлар ҳозир бригадаларга моҳирлик билан бошчилик қилмоқдалар.

Коммунистлар пахта етиштиришда прогрессив усулни кенг қўллашнинг ташаббускорлари ҳам бўлмоқдалар. Чунончи, Ўртоқ Абдукарим Суюнов бошлиқ 7-бригада аъзолари бу йил 85 гектар пахта майдонининг ҳаммасига 50х50 схемаси билан квадрат-уялаб чигит экиш ва ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олдилар. Улар ўз мажбуриятларига яраша иш ҳам қилмоқдалар. Бригаданинг кузда сифатли шудгор қилинган барча экин майдони текисланди, борона қилинди, ҳар гектарига 6 тоннадан гўнг чиқариб тўкилди, ариқ-зовурлар тозаланди ва ҳозир ерлар чигит экишга беками-кўст тахт қилиб қўйилди.

Колхознинг коммунист Аҳмадали Қорабоев бошчилик қилаётган 3-бригадасида ҳам кўкламги экишга тайёргарлик барвақт бошланди. Бригада аъзолари 65 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан Ватанга 26 центнердан ҳосил топшириш учун курашиб, астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Партия ташкилоти колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни янада кучайтириш мақсадида кўклам экиш кампанияси даври учун конкрет тадбирлар белгиланган иш планы тузди. Агитаторлар состави қайтадан кўриб чиқилди ва у коммунист, комсомоллар ҳамда қишлоқ ўқитувчилари ҳисобига мустаҳкамланди. Ҳозир 14 та бригадада 24 агитатор ишлаб турибди. Улар шу кунларда колхозчиларга КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг колхоз тузумини янада ривожлантириш ва машина-трактор станцияларини қайта ташкил қилиш тўғрисидаги қарори ва шу масала юзасидан СССР Олий Совети сессиясида қабул қилинган Қонунни кенг тушунтирмоқдалар. Агитаторлар ўз суҳбатларининг жонли, қизиқарли бўлишига эътибор бермоқдалар, шу билан бирга ҳар бир суҳбатни колхозчилар олдида турган ҳозирги энг муҳим вазифаларга боғлаб ўтказмоқдалар. Партия ташкилоти эса суҳбат темаларини танлаш ва уларни қандай қилиб жонли, қизиқарли ҳамда конкрет шароитга мослаб ўтказишда агитаторларга амалий ёрдам бермоқда. Шу муносабат билан партия ташкилоти секретарининг бошчилигида агитаторлар семинари ҳам ўтказилмоқда.

Шунингдек, колхоз партия ташкилоти колхозчиларни бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун курашга сафарбар этишда «Мўл ҳосил учун кураш» деворий газетаси ва «Жанговар варақа»лардан ҳам фойдаланмоқда. Уларда кўкламги экишга тайёргарлик кўриш соҳасида олдинда бораётган бригада ва звенолар, айрим илғор колхозчиларнинг намунали ишлари ўз аксини топмоқда, қолоқ участкалар, меҳнатга бўйни ёр бермаган баъзи ишёқмаслар танқид қилинмоқда.

Шу кунларда партия ташкилоти агитаторлар ёрдами билан Тюпко методини механизаторлар ўртасида кенг ёймоқда. Бунинг натижасида колхозда хизмат қилаётган Ўртоқ Х. Қиличов бошлиқ трактор бригадасининг механизаторларидан А. Шерматов 15 гектар, О. Раҳимов 16 гектар, А. Эргашев 18 гектар ерда кетмон ишлатмасдан Тюпко методи асосида пахта ҳосили етиштириш ва гектаридан 30-35 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олдилар.

Колхоз партия ташкилоти шу кеча-кундузда колхозчиларни чигит экишни муваффақиятли ўтказиш учун курашга тўла сафарбар этиб, бу соҳада коммунистларнинг авангард бўлишларини таъминламоқда.

Н. БЕКНАЗАРОВ.

Пропагандистлар семинари

Яқинда Қуйи Чирчиқ район партия комитети пропагандистларнинг район семинарини ўтказди. Семинарда КПСС тарихини ўрганиш тўгараклари пропагандистларининг иш методи муҳокама қилинди.

Семинар қатнашчилари Ворошилов номли колхоз партия ташкилоти ҳузурида ташкил этилган КПСС тарихини ўрганиш тўгарагининг иши билан батафсил танишиб чиқдилар. Сўнгра улар Энгельс номли колхозда пропагандистлик қилаётган Ўртоқ В. С. Кимнинг иш тажрибаси билан танишдилар.

Шунингдек, семинарда пропагандистлардан Азизов, Бакулин, Пак, Инамов Ўртоқлар коммунистларга қишлоқ хўжалиги конкрет экономикасини ўргатишда уни бевосита район ва колхоз ишлаб чиқаришига боғлаб олиб бораётганликларини конкрет мисолларда айтиб бердилар.

Қ. ПЕРШЕЕВ.

1 МАЙ ШАРАФИГА

Тошкент пайпоқ-трикотаж фабрикасининг илғор ишчиси Инобат Эшонхонова майолди мусобақасига қўшилиб ишлаётир. У трикотаж кийимлари тўқиш нормасини 150-160 процентга етказиб бажармоқда. Суратда: ўртоқ Эшонхонова иш устида.

Ж. Ваҳобов фотоси.

Илғорликни қўлдан бермаётирлар

Тошкентдаги канап йигирув-тўқув фабрикасининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари яқинлашиб келаётган умумхалқ байрами — 1 Май шарафига социалистик мусобақани авж олдириб юбордилар. Фабрика коллективи 1958 йилнинг биринчи квартал планини муддатидан бир неча кун олдин бажарди ва пландан ташқари 2 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот тайёрлаб берди.

Тўқувчилар меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан маҳсулот таннархини тинмай камайтира боришга эришаётирлар. Ўртоқ Филимонова раҳбарлик қилаётган йигирув цехининг меҳнатсевар ишчилари 3 ойлик ишлаб чиқариш планини 108 процент ado этиб, цехлараро мусобақада голиб чиқдилар.

Корхона коллективи ишлаб чиқаришга илғор технологияни ҳамда рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларини амалга ошириш туфайли йигирилаётган канап ипининг сифатли бўлишига эришмоқдалар. Шу сабабли ҳам бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот фақат яхши ва аъло сифатга қабул қилинаётир.

Тўқув ҳамда йигирув цехларининг З. Комаева, Т. Егорова, Т. Макарова, А. Аҳмедова ва бошқа юзлаб ишлаб чиқариш илғорлари смена нормаларини системали суратда 120-130 процент бажармоқдалар. Фабрика коллективи бу йил ҳам илғорликни қўлдан бермасликка ҳаракат қилаётир.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

Фарҳод энергетикларининг ғайрати

СССР Олий Советининг сессияси давом этаётган кунларда Фарҳод гидроэлектростанцияси ишчилари ҳаётида ҳаяжонли дамлар бўлиб ўтди. Улар Ўрта Осиёдаги энг йирик нур манбаи ҳисобланган Фарҳод гидроэлектростанциясининг ишга туширилган кунига 15 йил тўлганлигини тантанали нишонладилар.

Энергетиклар квартал планини муваффақият билан бажарганликлари ҳақида биринчилар қаторида рапорт бердилар. Коллектив Бекобод шаҳар партия комитети ҳамда ижроия комитетининг, шунингдек «Ташэнерго» бошқармасининг кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлди.

ГЭС коллективи давлат планини муваффақият билан бажаришни таъминлайдиган кўпгина рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этаётир. Яқинда инженер Ш. Беракашвили ва технолог В. Полковников Ўртоқлар биргаликда қиммат-ли рационализаторлик таклифини киритдилар. Станциянинг бош узели тўғонини ремонт қилишни тезлаштиришга қаратилган бу таклиф давлатнинг 600 минг сўмдан кўпроқ маблағини тежаб қолади ҳамда иш ҳажмини бир неча марта камайтиради.

Коллектив апрель ойи планини ҳам муваффақиятли бажариш учун ҳормай-толмай меҳнат қилаётир.

Б. ТАЙКЕНОВ.

Меҳнаткашлар учун

Аҳолига кўплаб сут маҳсулотлари тайёрлаб бериш учун тинмай курашаётган Тошкентдаги биринчи сут комбинатининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари меҳнатда янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритаётирлар. Комбинат коллективи СССР Олий Совети сессияси қарорларидан руҳланиб, давлат планларини муваффақият билан бажараётир. Комбинат ишчилари 1958 йил биринчи квартал планини муддатидан бир неча кун олдин бажариб, планга қўшимча равишда қарийб 1 миллион сўмлик сут маҳсулотлари тайёрлаб бердилар.

Меҳнатсевар коллектив апрель ойининг биринчи декадасини ҳам меҳнатда катта ютуқлар билан якунлади. Комбинат ишчилари ўртасида майолди социалистик мусобақаси тобора авж олаётир. Ўртоқ Ханифа Ғаниева бошлиқ сут цехининг ишчилари сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини доимо ортиқ билан бажариб келаётирлар.

М. ЗАРИПОВ.

☆

Илғор смена

Шу йилнинг январь ойи бошларида дам олиш куни Масаид ака кончилар клубига бориб, ўз дўстлари Оҳангароннинг машҳур шахтёрлари — Анорбой Эргашев, Ортиқали Эшматов, Одил Абляметов, Иван Братерскийлар билан ҳамсуҳбат бўлди. Бу сафар улар ўртасида жуда ажойиб суҳбат борарди.

— Николай Мамай бошлаб берган ташаббус социалистик мусобақанинг янги формасидир. У, ҳар бир шахтёрнинг смена нормасини мутасил ортиги билан бажаришга даъват этади...

Масаид ака шу сўзларни айтар экан, ўтирганлар уни маъқуллашар, ўз участкаларида ишнинг қандай ташкил этилганлиги тўғрисида бирма-бир гапирардилар.

Лекин гап ишлаб чиқаришни комплекс равишда ташкил этиш тўғрисида борганида кончиларнинг юзи жиддий тус олди. Чунки 9-шахтанинг кўпгина участкаларида ҳали ҳам ишни комплекс равишда ташкил этишга кам эътибор берилади.

Масаид аканинг сменаси ҳам ишни ҳамма вақт комплекс равишда олиб боради. Бироқ моҳир ишлаб чиқариш командири бу муваффақиятлар билан қаноатланмас эди. У ўз сменасидаги ҳар бир ишчининг иккиҳисса, ҳатто уч ҳисса бўлишини эришмоқдалар. Шу сабабли ҳам бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот фақат яхши ва аъло сифатга қабул қилинаётир.

Тўқув ҳамда йигирув цехларининг З. Комаева, Т. Егорова, Т. Макарова, А. Аҳмедова ва бошқа юзлаб ишлаб чиқариш илғорлари смена нормаларини системали суратда 120-130 процент бажармоқдалар. Фабрика коллективи бу йил ҳам илғорликни қўлдан бермасликка ҳаракат қилаётир.

Шу йилнинг январь ойи бошларида дам олиш куни Масаид ака кончилар клубига бориб, ўз дўстлари Оҳангароннинг машҳур шахтёрлари — Анорбой Эргашев, Ортиқали Эшматов, Одил Абляметов, Иван Братерскийлар билан ҳамсуҳбат бўлди. Бу сафар улар ўртасида жуда ажойиб суҳбат борарди.

— Николай Мамай бошлаб берган ташаббус социалистик мусобақанинг янги формасидир. У, ҳар бир шахтёрнинг смена нормасини мутасил ортиги билан бажаришга даъват этади...

Масаид ака шу сўзларни айтар экан, ўтирганлар уни маъқуллашар, ўз участкаларида ишнинг қандай ташкил этилганлиги тўғрисида бирма-бир гапирардилар.

Лекин гап ишлаб чиқаришни комплекс равишда ташкил этиш тўғрисида борганида кончиларнинг юзи жиддий тус олди. Чунки 9-шахтанинг кўпгина участкаларида ҳали ҳам ишни комплекс равишда ташкил этишга кам эътибор берилади.

Масаид аканинг сменаси ҳам ишни ҳамма вақт комплекс равишда олиб боради. Бироқ моҳир ишлаб чиқариш командири бу муваффақиятлар билан қаноатланмас эди. У ўз сменасидаги ҳар бир ишчининг иккиҳисса, ҳатто уч ҳисса бўлишини эришмоқдалар. Шу сабабли ҳам бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот фақат яхши ва аъло сифатга қабул қилинаётир.

Тўқув ҳамда йигирув цехларининг З. Комаева, Т. Егорова, Т. Макарова, А. Аҳмедова ва бошқа юзлаб ишлаб чиқариш илғорлари смена нормаларини системали суратда 120-130 процент бажармоқдалар. Фабрика коллективи бу йил ҳам илғорликни қўлдан бермасликка ҳаракат қилаётир.

Бир артелдаги ҳангомалар

Башарти, Тошкентдаги Фрунзе номли артель правлениесининг раиси Имом Муслимов билан гаплашиб қолсангиз, унинг гапга чечанлигига тан бермасдан иложингиз йўқ. Ўртоқ Муслимовнинг сўзига қараганда, артелда яқин вақтларгача иш жуда сусайиб келган, хўжалик-молия фаолиятида чалкашликлар бўлган, тайёрланаётган маҳсулотларнинг ассортименти жуда кам экан. Муслимов «ишнинг кўзини биладиган» кадрлар билан цехларни мустаҳкамлаб, артелни оёққа турғизибди.

Ҳақиқатан аҳвол шундайми? Артелга бўлган киши бу саволга ўнгайлик билан жавоб топа олади. Ўтган йили мавжуд 9 цехдан 7 таси берилган топшириқни бажармади. Натижада белгиланганидан 1 миллион 150 минг сўмлик кам маҳсулот тайёрланди. Унумсиз ва устама харажатлар кўпайиб кетганлиги туфайли тўртинчи кварталнинг ўзидагина маҳсулот таннархи пландагидан 325 минг сўм ортиб кетди. Мавжуд цехларнинг кўпчилигини номигагина цех деб аташ мумкин. Масалан, артель правлениеси жойлашган территорияда 5 та цех бор, уларнинг ҳар бирида 15-20 киши ишлайди. Бу цехларнинг ҳар бирида ўз бошига мустақил бошлиқлари, ҳисобчилари, бракёрлари бор.

Ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш, тайёр маҳсулот, ҳомашё ва яримфабрикатларни сақлаш соҳасида ҳам жиддий камчиликлар бор. Ўтган йили ёмон сақланганлиги учун яроқсиз ҳолга келган 100 минг сўмлик тайёр маҳсулот, ҳомашё ва яримфабрикат списать қилинган. Буларнинг ҳаммаси артелда жамғарма тўплаш планининг бажарилмай қолишига олиб келган. Ана шу камчиликларни Тошкент шаҳар Октябрь район ижроия комитети ўзининг шу йил 13 мартдаги қарорида ҳам кўрсатиб ўтди.

Артель раҳбарлари умумий кўрсаткичлар бўйича планни бажаришга зўр бериб, меҳнат қонунларини кўпол равишда бузмоқдалар. Ишчилар ўз вақтида ҳомашё билан таъминланмаганликлари сабабли кўп вақт бекор туриб қоладилар. Кейинчалик эса, бой берилган вақтнинг ўрнини тўлдириш учун дам олиш кунлари ҳам иш куни деб эълон қилинади. Жумладан, 30 март куни мебель ва мўйна цехларида иш бўлди.

Район ижроия комитети артель правлениесига мавжуд майда цехларни бирлаштириш ва шу асосда маъмурий-хўжалик аппаратини қисқартиришни таклиф қилган эди. Бироқ, нима учундир бу таклиф Ўртоқ Муслимовга ёқмаётир. Унинг фикрича, кейинчалик ишлар юришиб кетиб, цехлардаги ишчиларнинг сони кўпаяр эмиш. Аслини олганда, бу лаъво мутлақо нотўғридир. Чунки мавжуд цехларда 20 дан ортиқ ишчининг ишлаши мумкин эмас.

Артель ишлаб чиқаришида юз бераётган жиддий камчиликларнинг сабаби шундаки, ишлаб чиқаришга бевосита алоқаси бўлмаган, айрим ҳолларда эса ўткинчи шахслар раҳбарлик вазифаларига қўйилган. Бу ўринда бадиий цехнинг бошлиғи Шерманни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу «ишомол» шахс бошлиқ бўлиб олгандан кейин, кўнглига келган номаъқулчиликларни қилаберган. Ўзини хон, кўланкасини майдон деб билган Шерман ўз шахсий манфаатини ўйлаб цех ишлаб чиқариши билан мутлақо шуғулланмаган. Бунинг оқибатида цехда шу йилнинг январь, февраль ва март ойининг 15 куни ичида деярли иш бўлмаган. Ваҳоланки, шу муддат ичида цех 125 минг сўмлик маҳсулот бериши зарур эди.

Шерман ўз қўл остидаги ишчиларни товлаш, алдаш каби жирканч йўлга ўтиб олган. Чунончи, «5-декабрь» артели закази бўйича 3 рассом — Соколов, Глазарев ва Гочияев Ўртоқлар 40 та таблица ва бир қанча вивеска тайёрладилар. Шунингдек, рассом Беньяминовни механика заводига айрим заказларни бажариш учун юборди. Рассомлар олиши керак бўлган ҳақни эса Шерман ўз киссасига солди. Бу камлик қилаётгандек Шерман «тунука оламиз» баҳонаси билан соддадил рассом Пролетарскийдан олган 1400 сўм пулни ҳам паққос еб юборди. Шерманнинг бажарилмаган ишларни «бажарилди» қилиб наряд ёзиб, мўмай пулларни ҳазм қилиб юборадиган «ҳунари» ҳам бор. Масалан, Тошкент фармацевтика институти буюрган 40 та кўрғазмали қуролдан 17 тасига худди шундай қилиб пул олган.

Актив ишчиларнинг ташаббуси билан сир очила бошлади. Бир балоси бўлмаса шудгорда қўйрук на қилур деганларидек, Муслимов артелнинг «эркатойи» Шерманни силлиқлик билан шу йил 26 мартда ишдан четлатиб қўяқолди. Ёпуғлик қозон ҳамон ёпиқ қолиб келмоқда.

Бошқа цех раҳбарлари ҳам ўзлари ишлаётган ишга бевосита алоқаси бўлмаган кишилардир. Масалан, савдо институтини тамомлаган Ўртоқ Воловельский шокила цехининг бошлиғи, ўрта маълумотли, 1957 йилнинг октябрь ойигача Олмаота шаҳрида магазин директори бўлиб ишлаган Ўртоқ Никритин мўйна цехининг бошлиғи, собиқ «Қизил олов» артелида темирчилик цехининг мастери, кейинчалик эса шу цех бошлиғи бўлиб ишлаган Ўртоқ Полушкин мебель цехининг бошлиғи, бор-йўғи бешинчи синф маълумотига эга бўлган Ўртоқ Шефтель тикув цехининг бошлиғи, ҳали яқиндагина Ўзбекистон театр жамиятида фотовиставка бўлимининг мудири бўлиб ишлаган Ўртоқ Свердлин дераза пардаси цехининг бошлиғи бўлиб ишламоқда. Кўриниб турибдики, бу Ўртоқларнинг ҳеч бири ўзлари раҳбарлик қилаётган соҳа бўйича мутахассис эмаслар. Бунинг сабабини Ўртоқ Муслимовдан сўраганимизда, у ҳеч тап тортмай: «Ҳар ким ҳам сувнинг тинигида, ўтнинг қуюқида, оғирнинг устида, енгилнинг остида бўлишни истайди-да» деб жавоб берди.

Яқинда мебель цехига янги бракёр қабул қилинди. Бу воқеа бутун артелда катта шов-шувга сабаб бўлди. Бу ҳақда гап кетса, ишчилар истеҳзо билан куладиган бўлиб қолдилар. Бунинг жони бор, аблаҳ. Нега деганда, ишга олинган Гороховскийнинг асли касби шофер. У, бир дарахтни иккинчи дарахтдан ажрата олмайди, бунинг устига янги «бракёр» бирор жойда узоқ қўним билан ишлаган эмас. Масалан, у Ташоблпромсоветда 7 ой, Октябрь район коммунал хўжалик бўлимида 4 ой, 93-қурилиш трестида 8 ой, Тошкент темир йўли болалар касалхонасида 4 ой шофер бўлиб ишлаган. Дубликат(?!) қилинган меҳнат дафтарчасида кўрсатилишича, у Тошкент райпромкомбинатига 1956 йил 1 январида шогирд бўлиб ишга кирган ва шу куниёқ бўшатилган. Қаноатсиз читтакдек у ердан-бу ерга учиб юрган Гороховский мебель цехига бракёр қилиб тайинланганлигининг сабабини сўраганимизда, Муслимов ҳам, Полушкин ҳам бир оғиздан: «Унинг акаси Узпромсоветнинг конструкторлик-технология бюросида ишлайди, унинг бизга кўп фойдаси тегиб туради» деб жавоб бердилар. Аслини олганда «бракёр»нинг акаси мебель фабрикаларининг бирида бош инженер бўлиб ишлайди.

Артель раҳбарларининг сўзига қараганда, Гороховский ёғочсозликдан хабари бор эмиш. Биз буни амалда исбот қилиш мақсадида «бракёр»нинг қўлига тўрт хил ёғоч бердик ва уларнинг номларини айтиб беришни илтимос қилдик. «Бракёр» дудуқланиб қолди, зўрба-зўр олдидаги ёғочлардан қарагайнинг номинигина айтди. У дубдан бугни, бугдан эса тилогочни ажрата олмади.

Артелда кадрлар билан ишлаш қониқарсиз аҳволда эканлигини қуйидаги мисоллардан ҳам кўрса бўлади. Артель аъзоларининг умумий сони 210 киши бўлгани ҳолда, биргина ўтган йилнинг ўзида 102 киши ишдан бўшатилган ва 133 киши янгидан ишга қабул қилинган.

Партиямиз ҳамма жойда ишнинг муваффақиятини кадрлар ҳал қилади, деб қайта-қайта уқтириб келмоқда. Бироқ артель раҳбарлари ана шу муҳим кўрсатмани унутиб қўйганлар. Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, район ижроия комитети шаҳар ҳунармандчилик Совети правлениесининг раиси Ўртоқ Муҳамедовдан артелдаги раҳбар кадрларни қайта кўриб чиқишни ва корхонани малакали кадрлар билан мустаҳкамлашни сўраган эди. Бироқ, Ўртоқ Муҳамедов ҳам, артель раҳбарлари ҳам шу кунгача бу масалада узатган оёқларини йиғганларича йўқ.

Артелдаги бу ҳангомалардан шаҳар ҳунармандчилик Советининг раҳбарлари хабардорми, йўқми, бу бизга қоронғу. Аммо артель раиси Муслимов, артель партия ташкилотининг секретари Полушкин Ўртоқлар кўзларига қора кўзойнак тақиб олиб, «ўз ҳузурингни кўзла» омилида иш тутмоқдалар.

И. СУЛАЙМОНОВ, М. ИКРОМОВ.

Ўзбекистон кинематография ходимларининг ижодий конференцияси

5-10 апрелда Тошкент киностудиясида республика кинематография ходимларининг ижодий конференцияси бўлиб ўтди.

Конференция қатнашчилари дастлаб иттифоқчи республикалар ва Тошкент киностудияси ўтган йили ишлаб чиқарган фильмларни кўриб муҳокама қилдилар. Шундан кейин улар Ўзбекистон ССР Маданият министрининг ўринбосари С. Муҳаммедовнинг «КПСС XX съезди қарорлари ва Н. С. Хрушчевнинг «Адабиёт ва санъатнинг халқ ҳаёти билан алоқасини мустаҳкамлайлик» деган мақоласи асосида Ўзбек кинематография ходимларининг вазифалари тўғрисида»ги доклади ва Ўзбекистон ССР Кинематография ходимлари союзи ташкилот бюросининг раиси Л. Файзиевнинг «Бутуниттифоқ Кинематография ходимлари ижодий конференциясининг якунлари ва Ўзбек кинематография ходимлари союзи ташкилот бюросининг вазифалари тўғрисида»ги ахборотини тингладилар.

Докладчилар Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг адабиёт ва санъат масалаларига бағишланган мақоласидан сўнг, Иттифоқимизда, шу жумладан республикамиз ижодий ташкилотларида жонланиш юз бераётганлигини қайд қилиб, Ўзбекистон кинематографчилари олдида турган конкрет масалалар ҳақида гапирдилар.

Музокарага чиққан Ўртоқлардан Ўзбекистон ёзувчилар союзининг секретари И. Султонов, Тошкент киностудияси директорининг ўринбосари Туроб Тўла ва кинорежиссёр К. Ёрматов ёзувчилар билан кинематографчилар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, сценарийлар ёзиш ишига, иш процессларига активлик билан ёзувчиларни жалб қилиш, сценарийларнинг бадиий сифатини ошириш масалалари ҳақида гапирдилар.

Кинофильмларнинг сифатли чиқиши учун студиялаги барча съёмка коллективларининг активлигини ошириш йўллари, ижод қилишда иллюстративликка йўл қўймай, бадиий ва тасвирий воситалардан кенг фойдаланиш зарурлиги ҳақида рассом В. Еремян сўзлади. Киностудия директори М. Муҳамедов студиянинг плани билан таништириб, ишни янада яхшилаш юзасидан Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги олдига янги киностудияни қуриб тамомлаш, редакторлар штатини қайта кўриб чиқиш зарурлиги масалаларини қўйди. Киностудияда сценарийлар тайёрлаш юзасидан уч йиллик перспектив план белгиланган ва бу планга мувофиқ 45-тадан ортиқ сценарийлар яратилади.

СССР Кинематография союзи президиумининг аъзоси Юреневга ва кинорежиссёр А. Алексеев ўз нутқларида миллий кинематография назариясида миллий форма масалаларини илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш зарурлиги ва бунинг ижодий ишда жуда катта ёрдам бериши мумкинлиги устида тўхталиб ўтдилар.

Композитор М. Левиев киностудияда композиторлар билан ижодий ҳамкорликни яхшилаш, уларни фильм тайёр бўлгандан кейин эмас, балки фильм ишлаш процессида ижодий ишга жалб қилиш масаласини кўтарди. Ёш режиссёр Ф. Хўжаев киностудияда ёшлар учун етарли шароит яратиб берилмаганлигини танқид қилди, уларга дадиллик билан мустақил ижодий вазифалар бериш зарурлигини айтди.

Оператор А. Панн фильмлар сифатини яхшилаш учун кино танқидини юксак даражага кўтариш зарурлигини кўрсатиб ўтди. У, республикамизда кино ҳаваскорлиги иши ҳали ҳам суст ривожланмоқда ва бунинг учун Пирних шаҳридаги кино ҳаваскорларидан Ўрнак олиш керак, деди. Тошкент Ўкув юртларида ва саноат корхоналарида ҳаваскорлик кино тўгаракларини ташкил қилишга аллақачон вақт етган.

Конференцияда Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг ўринбосари ва кинофикация ва кинопрокат Бош бошқармасининг бошлиғи И. Федоренко фильмларни ўзбек тилига дубляж қилиш иши қониқарсиз аҳволда эканлигини кўрсатиб, киностудия ходимларини танқид қилди.

Конференция охирида кинематография ходимлари ўзларининг санъатнинг бу муҳим соҳасидаги ишларини янада яхшилаш ва совет халқига муносиб янги кино асарлари яратиб бериш юзасидан кенгайтирилган резолюция қабул қилдилар.

Меҳнаткашларга савдо хизмати кўрсатишни яхшилайлик

Яқинда Тошкент область давлат савдоси ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш область савдо бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ У. А. Аминовнинг «савдо бошқармасининг 1957 йилдаги иши юзасидан ҳисоботи ва 1958 йилги вазифалари» ҳақидаги докладини эшитди ва муҳокама қилди.

— Совет кишилари, — деди докладчи, — Коммунистик партия раҳбарлиги остида социалистик саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида катта ютуқларни қўлга киритдилар. Бунинг натижасида халқимизнинг турмуши фаровонлашмоқда, харид қобилияти тобора ўсиб бормоқда, савдо тармоқлари кенгаймоқда. Ўтган йили давлат савдоси бўйича белгиланган 28 ўрнига 52 магазин, дўкон ва бошқа савдо корхоналари қурилди, 14 та савдо корхоналари ихтисослаштирилди.

Докладчи ҳам, сўзга чиққан нотиқлар ҳам қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда ишдаги камчиликларни, савдо хизмати кўрсатишни яхшилашга халақит бераётган нуқсонларни очиб ташлаб, бир қатор ташкилотларнинг қониқарсиз ишларини танқид қилдилар.

Областда умумий овқатланиш корхоналари анча кенгайган бўлишига қарамай, уларда тайёрланаётган таомларнинг сифати паст, ассортименти белгиланган даражадан анча оз. Шу сабабли ҳам бу ҳақда истеъмолчилардан кўплаб шикоятлар тушмоқда. Савдо маданияти талабга ҳали жавоб берарли даражада эмас, харидорларнинг ҳақига ҳиёнат қилиш каби ҳунук воқеалар давом этиб келмоқда.

Шундай воқеалар ҳам бўладики, балиқ консерваси, пишлоқ, сельд, маргарин, мой етарли миқдорда бўлишига қарамай раҳбар савдо ходимларининг бепарволиги оқибатида магазинларга чиқарилмайди. Бундай ҳодисаларни Чирчиқ шаҳридаги 2, 20, 9-магазинларда, Янгийўл шаҳридаги бир қатор магазинларда учратиш мумкин.

«Главголодностепстрой»га қарашли ишчилар таъминоти бўлимлари ҳам қониқарсиз ишламоқдалар. Бу ердаги савдо корхоналарининг 90 процента талабга жавоб бермайдиган хоналарда жойлашган, молларни сақлаш учун жой етишмайди. Шундай бўлишига қарамай ишчилар таъминот бўлимининг бошлиғи Ўртоқ Носиров янги типдаги савдо корхоналари қуришни қатъиятлик билан талаб этмаётир.

«Главвобувьторг», «Главхозторг» базаларининг ходимлари жойлардаги савдо ташкилотларига тегишли товарларни ўз вақтида етказиб бериш масаласита масъулиятсизлик билан қараб келмоқдалар. «Главхозторг» базаси ўтган йили савдо ташкилотларига 2.515 минг сўмлик мебель, чинни идишлар, тикув машиналари етказиб бермади.

— Мол етказиб берувчи ташкилотлар билан ўз вақтида шартномалар тузамиз, — дейди Янгийўл шаҳар савдо бўлимининг мудири Ўртоқ Маҳкамов, — лекин ўз вақтида мол ололмаймиз. Бу соҳада айниқса «Главхозторг» базаси ёмон ишламоқда. Ўтган йили Янгийўл савдо ташкилотлари 48 та холодильник, 40 та кир ювиш машиналари ололмади. Трансформаторлар йўқлиги учун кир ювиш машиналари, холодильникларни ишлатиш мумкин бўлмаётир.

Чирчиқ шаҳридаги № 10 гастроном директори Ўртоқ Ермичев илғор тажрибалар билан алмашишни ташкил этиш, социалистик мусобақани кенг йўлга қўйиб юбориш зарурлигини кўрсатиб ўтди. У, айрим товарлар марказдан келмаётгани сабабли, маҳаллий саноат корхоналарида ишлаб чиқарилиши зарурлиги ҳақида сўзлаб, бу соҳадаги камчиликларни танқид қилди.

— Савдо ташкилотларида, — дейди у, — электр дазмол, мясорубкалар йўқ. «Ўзбексельмаш» заводи ўтган йили 24 минг дона мясорубка ишлаб бериши керак эди. Афсуски, бирорта ҳам мясорубка олганимиз йўқ. Область савдо бошқармаси базага товарларнинг тақсимоти ҳақидаги заявкани жуда кечикиб бермоқда. Жойларга керакли товарларнинг кечикиб етказилаётганининг сабаби ҳам худди шунда.

Сўзга чиққан бошқа нотиқлар ҳам савдо маданиятини яхшилаш, ихтисосли савдо кадрлари тайёрлаш ишини йўлга қўйиш, совет савдоси қоидаларини бузувчиларга нисбатан амалий чора кўриш зарурлиги ҳақида гапирдилар.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Савдо министри Ўртоқ Х. Маъруфов ҳам нутқ сўзлади.

Кенгаш муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Унумли ишлашимизга нималар тўсқинлик қилаётир?“

Газетамизнинг шу йил 27 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа билан материал босилиб, унда Тошкентдаги 1-босмахона ҳарф териш цехида унумли ишлаш учун етарли шароит яратиб берилмагани ва бошқа камчиликлар танқид қилинган эди.

1-босмахона маъмурияти ва касаба союз ташкилотининг редакциямизга хабар қилишларича газета материали касаба союз ташкилотида ҳамда босмахона коллективининг умумий мажлисида муҳокама қилинган ва унда келтирилган фактлар тўғри деб топилган. Босмахона маъмурияти ҳарф териш цехида тартиб ўрнатиш ва ишчиларнинг ишлаши учун шароит яратиб бериш мақсадида бир қанча тадбирларни амалга оширишга киришган. Шунингдек ҳарф турадиган кассалар ва набор қўядиган каталоглар ремонтдан чиқарилган.

Совет ҳукуматининг ҳукуматлар бошлиқлари иштироки билан юксак доирада кенгаш чақириш масаласига доир АҚШ, Буюк Британия ва Франция ҳукуматларига

ЭСДАЛИК ХАТИ

СССР Ҳукумати ҳукуматлар бошлиқларининг иштироки билан юксак доирада кенгаш чақириш масаласига доир АҚШ ҳукуматига Эсдалик хатини 24 мартда юборганлиги матбуотда хабар бериб ўтилган эди. Эсдалик хатининг копиялари айни вақтда Буюк Британия ва Франция ҳукуматларига топширилган эди.

31 мартда АҚШ, Буюк Британия ва Франция элчихоналари СССР Ташқи ишлар министрлигига Совет ҳукуматининг 24 мартдаги Эсдалик хатида юксак доирада ўтказиладиган кенгашга тайёргарликни тезлаштириш тўғрисида Совет ҳукумати томонидан қилинган таклиф муносабати билан АҚШ, Буюк Британия ва Франция ҳукуматларининг айни мазмундаги баёнотларини топширдилар.

11 апрелда СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико АҚШ элчиси Л. Е. Томпсонни, Франция элчиси М. Дежанни ва Буюк Британиянинг СССР даги муваққат ишлар вакили У. Х. Янгни қабул қилиб, уларга Совет Ҳукуматининг Эсдалик хатини топширди.

АҚШ ҳукумати томонидан 31 мартда юборилган баёнотнинг ҳамда Совет ҳукумати томонидан АҚШ ҳукуматига 11 апрелда юборилган Эсдалик хатининг текстлари қуйида эълон қилинади.

Америка Қўшма Штатлари ҳукуматининг 31 мартдаги баёноти

Ҳозирги халқаро вазият тинчликни ва жаҳонда стабилликни таъминлашга таъсир ўтказаётган асосий проблемалар устида битимга келмоқ учун жиддий равишда куч-ғайрат сарфланишини талаб қилаётир. Бундай шароитда юксак доирадаги кенгаш асосий проблемаларни жиддий муҳокама қилмоқ учун имконият берадиган бўлса ва муҳим масалалар устида битимга келишнинг самарали воситаси бўладиган бўлса, шундай кенгашни чақириш матлубдир.

Равшандирки, шундай шароитда юксак доирадаги кенгаш чақирилиши олдидан тайёргарлик ишлари ўтказилиши зарур.

Бу тайёргарлик ишини энг яхшиси дипломатик каналлар орқали фикр олишиш йўли билан амалга ошириш мумкин бўлур эдики, бундай фикр олишиш ташқи ишлар министрларининг учрашувини ўтказишни таъминлайди.

Бу тайёргарлик ишининг асосий мақсади турли ҳукуматларнинг ҳал қилинмаган асосий масалаларга доир позицияларини кўриб чиқишдан ва ҳукуматлар бошлиқларининг муҳокамасига қандай проблемалар тақдим этилиши лозимлигини белгилаб олишдан иборат бўлиши керак. Бу тайёргарлик музокараларнинг мақсади қарор қабул қилишдан иборат бўлмай, балки битимга келиш имкониятларини умумий дискуссия воситаси билан аниқлашдан иборат бўлур эди.

Ташқи ишлар министрлари тайёргарлик ишини битказсалар ва уни қониқарли деб топсалар, юксак доирадаги кенгашни қай вақтда ва қайси жойда ўтказиш тўғрисида битимга келган бўлур эдилар ва шу кенгашнинг состави масаласини ҳал қилган бўлур эдилар.

Агар бу тартиб Совет Ҳукумати учун мақбул бўлса, у ҳолда апрелнинг иккинчи ярмида Москвада дипломатик музокаралар бошлаш таклиф қилинади.

Совет ҳукуматининг 11 апрелдаги эсдалик хати

Юксак доирада кенгаш ўтказишга тайёргарликни тезлатиш тўғрисида Совет ҳукуматининг 1958 йил 24 мартдаги Эсдалик хатида Совет ҳукумати томонидан қилинган таклиф муносабати билан Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия ва Франция ҳукуматларининг 31 мартдаги қўшма баёнотини Совет Иттифоқи ҳукумати жуда эътибор бериб кўриб чиқди.

Совет Ҳукумати шуни қайд қиладики, гарчи уч давлат ҳукуматлари ҳозирги халқаро вазият асосий халқаро проблемалар устида битимга келмоқ ва умумий тинчликни мустаҳкамламоқ учун жиддий равишда куч-ғайрат сарфлашни талаб қилаётир ва юксак доирада кенгаш чақиришни матлуб қилиб қўяётир, деб айтган бўлсалар ҳам, аслини олганда улар шундай кенгаш чақириш тўғрисида Совет Иттифоқи томонидан 1957 йил декабрь ойидаёқ қилинган конкрет таклифларга жавоб беришдан бўйин товламоқдалар.

Совет Ҳукуматининг шу йил 28 февралдаги ва 24 мартдаги Эсдалик хатларида айтиб ўтилганидек, юксак доирада ўтказиладиган кенгашга тайёргарлик ишларини тезроқ тугаллаш ҳозирги вақтда асосий вазифадир. Бу ишни ўтказмоқ учун Совет ҳукумати ташқи ишлар министрларининг учрашувини апрель ойининг ўзидаёқ ташкил этишни зарур деб ҳисоблади.

Шу нарсани афсусланиб қайд қилишга тўғри келадики, уч давлат ҳукуматлари юксак доирадаги кенгашга тайёргарлик юзасидан олиб борилаётган музокараларни орқага сурмоқдалар.

Ҳозирги вақтда, юксак доирада кенгаш чақиришга доир тайёргарлик ишини тезроқ тугаллаш мақсадида Совет ҳукумати, аввало, ташқи ишлар министрларининг учрашуви шу йил апрель ойининг охирида—май ойининг ўрталаридан кечиктирилмай ўтказилиши ҳақидаги масалани келишиб олиш зарур деб ҳисоблайди. Бунда шу нарса кўзда тутиладики, дипломатик каналлар орқали олиб бориладиган бутун тайёргарлик ишлари ўша вақтгача тугалланиши лозим. Шу сабабли Совет Ҳукумати дипломатик каналлар орқали фикр олишувни ташқи ишлар министрларининг учрашувини ташкил этишга бевосита таллуқли энг зарур масалалар билан, яъни министрларнинг қачон ва қаерда учрашуви, шу учрашув қатнашчиларининг состави тўғрисидаги масалалар билан чеклаб қўйишни мақсадга мувофиқ бўлур эди, деб ҳисоблайди.

Маълумки, Совет Иттифоқи юксак доирадаги кенгашга тайёргарлик ишларини тезроқ тугаллашга интилиб, юксак доирадаги кенгашнинг кун тартиби, қатнашчилари состави ҳамда қаерда ва қачон ўтказилиши масаласига доир ўзининг таклифларини АҚШ, Буюк Британия ва Франция ҳукуматларининг муҳокамасига аллақачон топширган эди. Совет ҳукумати, АҚШ, Буюк Британия ва Франция ҳукуматлари шу конкрет таклифларга яқин фурсатда ўзларининг муайян жавобларини берадилар деб кутади.

Ташқи ишлар министрлари учрашуви масаласига келганда, Совет ҳукуматининг фикрича, министрлар юксак доирадаги кенгашнинг қачон, қаерда чақирилиши ва қатнашчилари состави масаласини келишиб олишлари, шунингдек шу кенгашда муҳокама қилинадиган масалаларни белгилаб беришлари лозим. Бунда шу нарса ҳам истисно қилинмайдики, министрлар юксак доирадаги кенгашга тайёргарлик кўриш билан шуғулланаётганларида, зарурият туғилиб қолган тақдирда ва ҳаммалари бамаслаҳат бир фикрга келсалар, томонлар юксак доирадаги кенгаш кун тартибига киритишни таклиф қилаётган масалаларнинг баъзиларр устида, у ёки бу масаланинг мазкур кенгаш кун тартибига киритиш мақсадга мувофиқлигини аниқлаш учун фикрлашиб олишлари мумкин.

Ўз-ўзидан маълумки, юксак доирада кенгаш чақириш масаласини ташқи ишлар министрлари учрашувининг ўзи бу натижага келиш билан боғлиқ қилиб қўйиш ярамайди. Совет Ҳукумати бу кенгаш қатнашчиларининг ҳаммаси ижобий натижаларга эришишга интиладилар, деган фикрга асосланиб иш кўрмоқда. Совет ҳукумати эса, бу мақсадга эришмоқ учун мумкин бўлган ҳамма чораларни кўради. Бироқ, министрлар юксак доирадаги кенгашни тайёрлаш масалалари устида зарур битимга келишга муваффақ бўлолмасалар, бу нарсадан шундай кенгашнинг зарурлиги унчалик қистов бўлиб қолмади, деган мазмуно асло чиқмайди. Ҳозирги халқаро вазият етилган халқаро проблемаларни тезроқ ҳал этишни талаб қилмоқда ва бундай шароитда юксак доирада кенгаш чақириш масаласини ташқи ишлар министрлари учрашувининг натижаларига боғлиқ қилиб қўйиш нотўғри бўлур эди. Мутлақо равшандирки, министрлар учрашуви вақтида туғилиши мумкин бўлган қийинчиликлар анча кенгроқ ваколатларга эга бўлган давлат арбобларининг кенгашида бартараф қилиниши мумкин ва лозим.

Совет Ҳукумати юқорида айтилганларга биноан, ташқи ишлар министрларининг учрашувини тайёрлаш тўғрисида 17 апрелда Москвада фикр олишувни бошлашга ўзининг тайёр эканлигини билдиради.



Яқин вақтлар ичида 50 минг гектарга яқин ерни суғориш имкониятини берадиган Жанубий Мирзачўл канали қурилиши тез суръатлар билан олиб борилаётир. **Суратда:** Янгиер шаҳри территориясида одимловчи экскаватор канал трассасини қазиётир.

В. Новиков фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Қисқа сатрларда

▲ **Оҳангарон.** Шаҳардаги 2- ўрта мактаб кутубхонасининг китоб фонди 14 минг томга етди. Бу адабиётлардан ҳозир 350 га яқин доимий китобхон фойдаланмоқда.

А. Кўкиев.

▲ **Тошкент.** Округ офицерлар уйи ҳузуридаги бичиш-тикиш ва каштачилик курсларини яқинда 320 киши тамомлади. Бу ерда чеварлар тиккан кийим ва кашталардан виставка ҳам ташкил қилинди.

Қ. Аҳмеров.

▲ **Мирзачўл.** Райондаги Золотая орда станциясида чойхона, магазин ва 150 ўринлиги ва 250 ўринлиги кинотеатр ишга тушди.

Т. Муслимов.

▲ **Қорасув.** «Коминтерн» колхозининг 2-участкасида бичиш-тикиш тўгараги ташкил қилинди. Район маданият уйининг чевари Л. Тохтарова раҳбарлик қилаётган бу тўгарак машғулотита 25 хотин-қиз қатнашмоқда.

И. Рустамов.

Болалар боғчалари кўпаймоқда

Пойтахтда 194 та болалар боғчаси бўлиб, шундан 94 таси саноат корхоналари ихтиёридадир. Буларда пойтахт меҳнаткашларининг 50 мингдан ортиқ фарзанди тарбияланмоқда. Бу йил шаҳар халқ маорифи бўлими яна 4 та янги болалар боғчаси қуришга киришди. Бу боғчалар ҳамма зарур инвентарлар билан таъминланади, кўркам биноларга жойлашади. Янги болалар боғчалари Киров, Октябрь, Куйбишев, Ленин район территорияларида очилади. Ҳар бир боғчада 100 дан ортиқ бола тарбияланади. Бундан ташқари саноат корхоналари ҳам 3 болалар боғчаси қуради.

СССР ва Болгария кооператив ташкилотлари ўртасида битим

Москвада Центросоюз ва Болгария Халқ Республикаси Марказий кооператив союзи вакиллари ўртасида 1958 йилда бир-бирларига товар етказиб бериш тўғрисида музокаралар олиб борилди. Тўла ҳамжиҳатлик ва дўстлик вазиятида ўтган музокаралар давомида тегишли битим ишлаб чиқилди ва 11 апрелда имзоланди.

Битим ҳар иккала мамлакатнинг бир-бирларига етказиб берадиган товарлари хилларини 1957 йилдагига нисбатан кўпайтиришни кўзда тутади. Центросоюз Болгария кооперативларига фотоаппаратлар, радиотоварлар, соат, велосипед, штапель газлама, балиқ консервалари ва бошқа товарлар етказиб беради. Совет матлубот кооперацияси ана шу товарлар эвазига қўй терисидан тикилган пўстинлар, пойафзал, консерва қилинган мева ва сабзавот, помидор ва бошқа товарлар олади.

Товар айирбошлаш тўғрисидаги битимни Центросоюз номидан — Правление раиси А. П. Климов, Болгария Марказий кооператив союзи номидан — правление раиси П. Таков имзоладилар. (ТАСС).

МАТБУОТ ОБЗОРИ

Танқидий материалларнинг натижаси учун изчиллик билан курашайлик

Газета саҳифаларида ўткир, принципиал танқидий материалларнинг бериб борилиши ишдаги жиддий камчиликларни очиб ташлайди ва уларни бартараф қилишда партия, совет ташкилотлари ҳамда хўжалик органларига катта ёрдам беради.

Оҳангарон район **«Оҳангарон ҳақиқати»** газетаси бу соҳада бирмунча ишлар қилди. Газета хўжалик ва маданий ютуқларни кенг пропаганда қилиш билан бирга, бу соҳадаги камчиликларни ҳам очиб ташламоқда. Газета ҳар бир материалнинг натижаси учун курашади. Танқидий мақола босилиб чиққан куннинг эртасигаёқ у тегишли ташкилотга текшириш ва чора кўриш учун юборилади. Матбуот сигналига ўз вақтида жавоб бермаётган раҳбарлар редакция томонидан қайта-қайта огоҳлантирилади. Қисқаси редакциядаги ўртоқлар танқидий материалнинг тақдири ҳал бўлмагунча тинчишмайди. Бу эса райондаги партия, хўжалик ходимларининг матбуот сигналларига тўғри муносабатда бўлишга ва уни ўз вақтида текшириб, зарур тадбирлар кўришга ўргатмоқда.

Район халқ маорифи, маданият бўлимлари ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари газета сигналларидан тегишли хулоса чиқариб, йўл қўйилган камчиликларни тузатмоқдалар. Буларга юборилган материаллар қисқа вақтда текширилади. 15-20 кундан кечикмай, натижаси редакцияга хабар қилинади. «Мактабларда санитария назорати кучайтирилсин», «Кино қачон кўрсатилади?», «Қишлоқ Совети ишидаги камчиликларга барҳам берилсин», «Масъулият туйғусини йўқотган директор», «Сигирларни парвариш қилиш яхшилансин» сарлавҳали мақолаларга ана шундай қисқа вақтда жавоб олинди. Район партия комитети газетанинг бу соҳадаги ишини қўллаб-қувватламоқда.

Ховос район **«Меҳнат йўли»** газетаси танқидни бўғувчи, матбуот сигналларига қулоқ солмовчи кишиларни қаттиқ танқид қилиб, уларга нисбатан талабчанликни оширган.

«Айрим раҳбар ўртоқлар, — деб ёзади «Меҳнат йўли», — **газета сигналларига бюрократларча муносабатда бўлаётирлар. Бунинг натижасида редакциямиз томонидан текшириш учун юборилган кўпгина танқидий материалларга ўз вақтида жавоб қайтарилмайди, ёки бир неча ойлаб натижасиз қолиб кетади».**

Газетанинг кўрсатишича, «Ховос» дон совхози рабкоопининг раиси Сауров, район маданият бўлимининг мудири Маҳкамов ўртоқлар қуйидан бўлган танқидга қулоқ солмай қўйганлар, уларнинг айби билан меҳнаткашларнинг ҳақли талаблари ўз вақтида қондирилмаган. Баъзан уларга юборилган материаллар 3-4 ойдан кейин ҳам текширилмаган. Редакциянинг эслатишларига қулоқ солмаганлар.

Газетанинг танқиди рабкооп раҳбарларининг хатосини тузатишга ёрдам қилди. Орадан кўп ўтмай рабкоопда «Ҳусеновнинг ҳурмача қилиғи» сарлавҳали ва бошқа мақолалар текширилиб, унинг жавоби редакцияга юборилди.

«Меҳнат йўли» бу билан кифояланиб қолгани йўқ. Унинг саҳифаларида маданий-оқартув шоҳобчаларида, савдо тармоқларидаги камчиликлар юз-хотирсиз очиб ташланмоқда.

Лекин областимиздаги бир қатор район газеталарининг редакциялари танқидий материалларнинг натижаси билан қизиқмайдилар.

Газетада босилган материалларнинг натижаси нима бўлганлиги билан меҳнаткашларни ўз вақтида хабардор қилиб турмайдилар. Баъзи ҳолларда эса бу билан деярли ҳеч ким шуғулланмайди. Натижада принципиал масалаларда ёзилган материаллар ҳам ўз-ўзидан оқибатсиз қолянти. Айбдорлар жазоланмаётир.

Ўтган йилнинг 1 июлидан бошлаб Верхне-волинск районида **«Коммунизм тонги»** газетаси нашр қилина бошлади. Ўтган шу вақт ичида газетада 30 дан ортиқ танқидий хабар ва мақолалар босилди. Лекин шулардан учтасининг натижасигина газетхонларга маълум бўлди, холос. Қолганларидан ҳалигача дарак йўқ. Газета ўзи кўтариб чиққан масалаларни охирига етказмай қўйди. Кўп вақт у жойлардаги камчиликларни рўйхатга олиш билан кифояланиб, уларни тузатишда ташкилотчилиқ қилмаётир.

Бундан 9 ой илгари қишлоқ мухбири ўртоқ Г. Барада 18-магазинни танқид қилган эди. Хабар газетада босилиб чиққанидан кейин ҳам магазинда савдо-сотиқ яхшиланмади. Мухбир яна бу ҳақда ёзди. Редакция ўртоқ Г. Бараданинг хабарини иккинчи марта босиб чиқиш билан кифояланиб қолди. Материалнинг натижаси учун ҳеч ким қурашмади, оғиғи бу хабар редакциядаги ўртоқларнинг эсларидан чиқиб кетди. Бу, «Коммунизм тонги» газетасида ягона факт эмас. Кўпинча газета редактори ўртоқ Расул Ғафуровнинг имзоси билан чиққан танқидий материаллар ҳам юқоридаги каби текширилмасдан ўз-ўзидан оқибатсиз қолиб кетянти.

Ўрта Чирчиқ районидаги **«Мўл ҳосил учун»,** Чиноз районидаги **«Ленин байроғи»** газеталарининг редакциялари ҳам танқидий материалларнинг натижаси учун курашни яхши йўлга қўйишмаянти. Бу газеталарда анчадан бери «Материалларимиз изидан» рубрикасида хабарлар босилмайдиган бўлиб қолди.

Айрим газеталарнинг редакциялари матбуот сигналларига бюрократларча муносабатда бўлаётган ходимларга нисбатан талабчанликни кучайтирмаётирлар. Сигналларни юзаки текшираётган, камчиликларни хаспўшлашга уриниб, совет матбуоти овозига бепарво қараб, «хўжа кўрсинга»гина жавоб ёзаётган раҳбарлар фельетон, карикатура, редакцион мақолаларда рўй-рост фош қилинмаётир.

Яқинда Ўзбекистон КП Марказий Комитети «Матбуотнинг чиқишларига ва сигналларига нотўғри муносабатда бўлиш фактлари тўғрисида» махсус қарор қабул қилди. Қарорда бундай камчиликларга дарҳол барҳам бериш зарурлиги алоҳида уқтириб ўтилади. Унда кўрсатилган тадбирларни тўла амалга ошириб, газета сигналларининг таъсирчанлиги учун курашни тўхтовсиз давом эттириш керак. Район партия комитетлари газета материалларининг натижаси учун курашда газета редакцияларига ҳартомонлама яқиндан ёрдам беришлари зарур.

Чет элларда

„БУЗИЛМАС ИТТИФОҚ"

Совет Иттифоқи Партия-Ҳукумат делегациясининг визити тўғрисида Венгрия матбуотининг ёзганлари

БУДАПЕШТ, 11 апрель. (ТАСС). Газеталар бугунги сонларида Совет Иттифоқи Партия-Ҳукумат делегациясининг Венгрияга қилган сафарининг якунларини шарҳлаб ёзмоқдалар.

«Непсабадшаг» газетаси редакцион мақоласида қуйидагиларни ёзади: Совет делегациясининг визити венгер-совет дўстлигини янада кучайтирувчи факторга айланди.

Қўшма баёнот, деб яна ёзади газета, халқаро аҳамиятга эга бўлган жуда муҳим воқеадир, чунки бу баёнот бутун дунёда тинчликка, халқаро кескинликни юмшатишга, қуролсизланишга ва халқлар ўртасида ижодий самарали ҳамкорлик қилишга олиб борадиган йўлни кўрсатиб беради. Ҳар иккала делегация эўр бериб қуролланишни тўхтатиш ва уруш хавфини йўқотиш йўлида кечиктириб бўлмайдиган бошқа чораларни амалга оширишга тарафдор эканлигини яна бир марта билдиради.

«Непсабадшаг» газетаси яна қуйидагиларни таъкидлайди: ўртоқ Хрушчевнинг бир қанча нутқларида айтган ва «Шарқий Европа масаласи» деб аталган масала юзасидан қўшма баёнотда қайд қилинган гаплари халқ демократияси мамлакатлари учун, бутун социалистик лагерь учун, бутун тинчликсевар инсоният учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Суверен давлатларнинг бирлаштирилиши ҳам бошқа мамлакатларнинг БМТ уставига хилоф суратда ўз ички системасини муҳокама қилишларига йўл қўймаслигини дўстлар ҳам, душманлар ҳам қўшма баёнотдан билиб олишлари мумкин. Халқ демократик мамлакатлар империалистлар томонидан дискуссия қилинмоқчи бўлган масалани алла қачонок ҳал этиб қўйганлар: бу мамлакатларнинг халқлари капитализмга абадий хотима бердилар ва социализм, озодлик ҳамда миллий мустақиллик йўлига қатъий ўтиб олдилар. Социалистик мамлакатларнинг бирлиги, уларнинг жипслити халқ демократик мамлакатларни социалистик тараққиёт йўлидан четга чиқаришни ва уларни яна империализм сиртмоғи остида қолдиришни мақсад қилиб қўйган ҳар қандай кирдикор муқаррар барбод этилишининг гаровидир. Венгриядаги контрреволюцион исённинг тор-мор келтирилганлиги ва Венгриядаги аҳволнинг тез тикланганлиги буни исбот этади.

Халқаро ишчилар ҳаракати, деб яна ёзади «Непсабадшаг» газетаси, баёнотнинг Венгрия Социалистик Ишчи партияси билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўртасидаги қардошларча алоқаларни янада кенгайтириш тўғрисида гап берган қисмини ҳам мамнуният билан кутиб олади.

Газета мақоланинг охирида бундай деб ёзади: қўшма баёнот мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги қардошларча дўстликнинг янги ишончли ҳужжатидир. Бу баёнот миллионларча венгерлар учун, мамлакатга раҳбарлик қилаётган партия учун куч тўплашнинг янги, муҳим манбаидир.

«Непсава» газетаси ёзади: Совет Партия-Ҳукумат делегацияси Венгрияда саккиз кун бўлди. Шу вақт ичида юз мингларча, миллионларча венгерлар тинчликсеварлик мақсадларини кўзда тутиб, катта муваффақиятларга эришган ва тобора янги перспективалар очиб бераётган совет сиёсатига эўр қизиқиш билан қараётганликларини яққол кўрсатди.

«Мадьяр немзет» газетаси «Мустаҳкам дўстлик» сарлавҳали бош мақоласида қуйидагиларни таъкидлайди: баёнот икки делегация томонидан имзоланган бўлса ҳам миллионларча кишилар — Н. С. Хрушчев билан, совет делегациясининг аъзолари билан уларнинг визити вақтида учрашган халқ оммаси шу баёнотни тузишда иштирок қилди.

Манфаатлар ва идеяларнинг умумийлигига асосланган иттифоқни, деб таъкидлайди газета, ҳеч нарса буза олмайди.

Бирлашган Араб Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасида маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун

ҚОҲИРА, 11 апрель. (ТАСС). СССР Маданият министри Н. А. Михайлов бошчилигида Бирлашган Араб Республикасига келган совет маданият арбоблари делегацияси Бирлашган Араб Республикаси миллий раҳбарлик министри Фатхи Радван билан, шу министрликнинг ва Бирлашган Араб Республикаси маориф министрлигининг масъул ходимлари билан бир неча марта учрашди. Ана шу учрашувлар вақтида ҳар иккала мамлакат ўртасида маданият соҳасида ҳамкорлик қилишнинг асосий масалалари муҳокама қилинди. Бирлашган Араб Республикасининг президенти Носир, президент ўринбосарлари Бағдодий, Хаурани, Асали ва Араб мамлакатлари иттифоқининг бош секретари Хасун делегация бошлиғи, СССР Маданият министри Н. А. Михайловни қабул қилдилар.

Кеча Қоҳирада Бирлашган Араб Республикасининг кўпгина расмий кишилари, маданият арбоблари, матбуот ва жамоатчилик вакиллари ҳозир бўлган бир шароитда СССР билан Бирлашган Араб республикаси ўртасида 1958 йилга маданий ҳамкорлик плани имзоланди. Бу планни Бирлашган Араб Республикаси томонидан миллий раҳбарлик министри Фатхи Радван, СССР томонидан — маданият министри Н. А. Михайлов имзоладилар.

Маданий ҳамкорлик плани ҳар иккала мамлакат ўртасида маданий алоқаларни янада ривожлантириш манфаатларини кўзлаб, Совет Иттифоқи ва Бирлашган Араб Республикаси томонидан амалга ошириладиган конкрет тадбирларни кўзда тутади. Жумладан ҳар иккала мамлакатнинг бир-бирларига олимлар, артистлар, виставкалар ва шу сингариларни юбориб туришлари кўзда тутилади.

Маданий ҳамкорлик плани билан бирга совет маданият арбоблари делегациясининг Бирлашган Араб Республикасида бўлиши тўғрисидаги ахборот ҳам имзоланди.

Ҳужжатлар имзоланганидан кейин Бирлашган Араб Республикаси миллий раҳбарлик министри Фатхи Радван ва СССР маданият министри Н. А. Михайлов нутқ сўзладилар.

ГДР Министрлар совети президиумининг баёноти

БЕРЛИН, 11 апрель. (ТАСС). ГДР бош министри ҳузуридаги матбуот бошқармаси билдиради: Кеча Германия Демократик Республикаси Министрлар Совети президиумининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисдан кейин эълон қилинган баёнотда бундай дейилади: «Президиум СССР Олий Советининг Совет Иттифоқида 1958 йил 31 мартдан бошлаб ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисидаги қарорини зўр мамнуният билан табриклайди.

Ана шу ташаббус Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ҳар қандай ғояларга қарамай, барча давлатлар ўртасида ишонч вазиятини вужудга келтириш, халқаро кескинликни юмшатиш ва бу билан тинчликнинг мустаҳкамланишига ёрдам бериш йўлида зўр бериб ҳаракат қилаётганлигини исбот этувчи янги далилдир».

Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг президиуми АҚШ ва Буюк Британия ҳам ядро қуроли синовларини тўхтатишларини умид қилади.

Баёнотда яна бундай дейилади: «СССР Олий Советининг қарори ҳар иккала герман давлати учун ва бутун немис халқи учун айниқса катта аҳамиятга эгадир. Бонн бундестагининг НАТО ғарбий герман армиясини атом қуроли билан қуроллантириш тўғрисида 1958 йил 25 мартда қабул қилган қарори янги урушда атом қуролининг қирғинчилик келтириш хавфини тугдиради. Воқеаларнинг ана шундай боришига бутун чоралар билан халақит бериш зарур. Биринчи қадам сифатида ядро қуролининг ҳамма синовларини дарҳол тўхтатиш ва сўнгра, атом урушига халақит бериш мақсадида яна қатъий қадамлар қўйиш ғарбий Германиянинг хавфли тараққиётига тўсқинлик қилиш учун немис халқига қулай шарт-шароит ҳам вужудга келтиради.

Халқаро муҳитнинг ҳатто, бирмунча бўлса ҳам яхшиланиши ва халқаро кескинликнинг ҳар қандай тарзда юмшаши мавжуд ҳар иккала герман давлати конфедерацияси орқали уларни бир-бирларига яқинлаштириш ва бир битимга келиш йўли билан Германияни тинч демократик асосда қайтадан бирлаштириш ва Германия билан сулҳ шартномаси тузиш учун ёрдам бериш имкониятини кўпайтира бораси, албатта».

Баёнотда таъкидлаб ўтилишича, Германия Демократик Республикаси ҳукумати Совет ҳукуматининг ана шу буюк ташаббусини ҳар қандай шаклда бутун кучлари билан қўллаб-қувватлашни ўз зиммасига олади. Германия Демократик Республикаси ҳукумати Германия Федератив Республикаси ҳукуматита мурожаат қилиб, Совет Иттифоқининг тинчликка қаратилган ташаббусига биргаликда жавоб беришни таклиф этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

АФҒОНИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

КОБИЛ, 11 апрель. (ТАСС). Москва Советининг таклифига мувофиқ, Кобил шаҳар бошқармасининг раиси доктор Сухайл бошчилигида Кобил шаҳар бошқармаси делегацияси бугун Кобилдан Москвага жўнаб кетди. Делегация составида шаҳар бошқармаси ходимларидан олти киши бор.

КОРЕЯ-РУМИНИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

ПХЕНЬЯН, 11 апрель. (ТАСС). Бугун бу ерда Корея Халқ-Демократик Республикаси ва Руминия Халқ Республикаси ҳукумат делегациялари ўртасида музокаралар олиб борилди.

Дўстлик ва самимийлик вазиятида ўтган музокаралар вақтида ҳар иккала томонни қизиқтирувчи халқ-аро масалалар юзасидан, шунингдек ҳар иккала мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий аҳволи ва Кореяни тинч йўл билан бирлаштириш масалалари юзасидан кенг фикр олишилди.

ЗАГРЕБДА БАҲОР ЯРМАРКАСИ ОЧИЛДИ

ЗАГРЕБ, 11 апрель. (ТАСС). ТАНЮГ агентлиги билдиради: бугун бу ерда иккинчи халқаро баҳор ярмаркаси очилди. Ярмаркала 1.500 дан ортиқ корхона ва фирма ўз маҳсулотини намойиш қилади.

Иттифоқ ижроия вечесининг аъзоси Н. Минчев ярмаркани очиб қуйидагиларни айтди: Югославия экономикаси мавж уриб юксалиш босқичида турибди. Бу эса Югославия билан бошқа мамлакатлар ўртасида товар айирбошлашни йил сайин анча кўпайтириб боришни таъмин этди. Кейинги икки йил ичида Югославия экспортининг қиймати 50 процентдан ҳам зиёд ортди. Саноат товарларни экспорт қилиш айниқса кўпайди.

Минчев шу йилнинг дастлабки ойларида Югославия саноат ишлаб чиқаришининг ривожланишини характерлаб бундай деди: саноат ишлаб чиқариши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 16 процент ортди.

ШАРҚИЙ ПОКИСТОНДА ВАБО ВА ЧЕЧАК ЭПИДЕМИЯСИ

КАРАЧИ, 11 апрель. (ТАСС). Матбуот хабарларидан маълум бўлишича, Шарқий Покистонда вабо ва чечак эпидемиясининг тарқалиши давом этмоқда. Кейинги 2 ой ичида, деб ёзади «Иттифоқ» газетаси, чечак чиққан ва вабо теккан кишилардан 20 мингдан кўпроқ одам ўлди. Ифлос сув ичилаётганлиги сабабли вабо кўп тарқалаётганлиги аниқланди. «Доон» газетаси медицина ёрдами йўқлигини айтиб, Шарқий Покистондаги касалхоналарда ҳар 20 минг кишига битта жой, ҳар 15 минг кишига бир доктор тўғри келади ва шу вилоятдаги 45 миллион кишига бир медицина колледжи бор, деб ёзмоқда.

ТЕЛЕГРАФ ХАБАР ҚИЛАДИ

◆ СССРнинг Нидерландиядаги элчиси С. П. Кирсанов Гаагада «Юлдузларга йўл» деган совет кинофильмини кўришни уюштирди. Бу кинофильмни тамошо қилишда король саройининг вакиллари, парламент аъзолари, жамоатчилик ва савдо-саноат доираларининг вакиллари ҳозир бўлдилар. Фильм зўр иштиёқ билан тамоша қилинди.

◆ Ҳиндистонда чиқадиган «Стейтсмен» газетаси ёзади: Бу йил ёз фаслида Ҳиндистон туристларидан неча юзлаб киши Совет Иттифоқига келади. Ҳиндистон саёҳатчилар бюролари, деб билдиради газета, Совет Иттифоқига боришни истаган неча юзлаб кишилардан талабномалар олмоқдалар.

◆ АҚШ да Норт-Коллинс шаҳри яқинида (Нью-Йорк штати) Американинг В-47 типидаги реактив бомбардимончи самолёти ерга тушиб парчаланиб, ёниб кетди. Командадаги тўрт киши ҳалок бўлди.

11 апрель (ТАСС).

Индонезия Республикаси. Жакартадаги америка элчихонасининг биноси ёнида АҚШнинг Индонезия ички ишларига аралашишига қарши норозилик намойишчиларидан бир группаси. **Суратда:** Синьхуа агентлигининг фотоси орқали олинган). (Расм Пекиндан фототелеграф

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

АТОҚЛИ СОВЕТ ШОИРИ

Бугун 13 апрелда кенг жамоатчилик совет поэзиясининг асосчиларидан бири, рус ва жаҳон поэзияси хазинасини янги дурдоналар билан бойитган йирик санъаткор — Ефим Александрович Придворов — Демьян Беднийнинг туғилганига 75 йил тўлган кунни нишонлайдилар.

Демьян Бедний 1883 йил 13 апрелда Херсон губернасининг Александровск уездида камбағал деҳқон оиласида туғилган. Унинг ҳаёти ва ижоди ғоятда ҳаракатли, машаққатли йўлни босиб ўтган. Шоирнинг ғоявий ҳамда сиёсий томондан етук талант эгаси бўлишида Коммунистик партиянинг роли ғоят катта бўлган. Унинг ижоди Коммунистик партия бошчилик қилган Россия ишчилар синфи революцион ҳаракати тарихи билан, улуғ Октябрь ғалабалари, гражданлар уруши ва социалистик жамият қуриш тарихи билан узвий боғланғандир.

Улуғ Октябрь революциясидан олдин чиқа бошлаган большевистик «Звезда» ва «Правда» газеталари Демьян Бедний учун сиёсий мактаб бўлди, унинг сиёсий ва ғоявий тушунчасини кенгайтирди. Совет даври шоир учун битмас-туганмас қуввват, жанговар илҳом ва ғайрат бахш этди. Унинг ижоди булоқдек қайнаб тошди.

Демьян Бедний кундалик ҳаётий воқеаларни ҳамда ҳодисаларни, турмушдаги нуқсонларни тўғри ва чуқур ҳис эта билди. У совет шоирининг гражданлик бурчини ўхшин тушунди. Ахир, у ўтмишда ўзининг айтишига кўра 13 ёшга қадар онаси билан қишлоқда «каторга»да яшаган эди! Шу сабаби уни янги, эркин ҳаёт катта ижодий ишларга илҳомлантирди. Ўз халқи билан тарихий давонлардан қадамба-қадам ошди.

Шуни ҳам айтиш керакки, шоир баъзан ҳаётда оқсади, баъзан адашган вақтлари ҳам бўлди. Буни унинг 30-йилларда яратган «Пешқадам туш», «Беаёв» каби сатирик асарларида ҳамда 1936 йилда яратган «Пақдавонлар» пьесасида яққол кўриш мумкин. Бу орқали ғоявий-сиёсий хатоликларга йўл қўйди. У рус халқининг тарихий ўтмишини бузиб кўрсатди. Аммо, қалб амри билан халқ учун жўшқин ва фидокорона меҳнат қилиш, том маъноси билан ижодни тинмай ривожлантириш — совет ёзувчиси, шоирининг ажойиб фазилати бўлгани учун ҳам, у Коммунистик партия ёрдамида бундай хатолардан тезда қутилиб олди.

Демьян Беднийнинг Улуғ Ватан уруши йилларида яратган жанговар ватанпарварлик руҳидаги асарлари унинг ўзи томонидан йўл қўйилган хатоларни тузатишга қодир эканлигини кўрсатди. У умрининг охиригача ҳаётнинг турли томонларини акс эттиришга ҳаракат қилди.

Д. Беднийнинг ижоди 1900 йиллардан бошланган бўлиб, унинг шеърлари кейинроқ «Звезда» ва «Правда» газеталарида тез-тез кўрина бошлади. Бу газеталарда у рус реалистик адабиётининг шонли традицияларини ҳимоя қилди, буржуа декадент адабиётининг «Санъат—санъат учун» деган сохта назариясини фош қилувчи қатор мақолалари чиқди.

Шоир 1912 йилда коммунистик партия сафига ўтди.

1913 йилга келиб, унинг биринчи «Масаллар» тўплами босилиб чиқди. Бу вақтда В. И. Ленин чет эллан туриб М. Горькийга ёзган хатида бундай деган эди: «Демьян Беднийнинг «Масаллар»ини кўрдингизми? Кўрмаган бўлсангиз, юбораман. Агар кўрган бўлсангиз, ўз фикрингизни ёзиб юборинг». В. И. Ленин революцион шоирнинг ижодига ҳар вақт ҳам яқиндан сезгирлик ва муҳаббат билан қараган. Унинг асарларини жуда ҳам ўткир мазмунли, мақсадни бехато нишонга оладиган ажойиб ёзилган асарлар деб характерлаган эди.

Д. Беднийнинг Октябрь революцияси, айниқса гражданлар уруши даврида яратган поэтик асарлари ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир. Гражданлар уруши йилларида шоирнинг 30 га яқин сатирик, юмористик, лирик ва жанговар руҳдаги шеърий тўпламлари босилиб чиқди ва кенг меҳнаткаш омма ўртасида зўр шуҳрат қозонди. У содда, пухта, ўткир тил билан ёзилган масаллар, шеърий фельетонлар, ашулалар, жанговар қўшиқлар, поэмалар, сиёсий сатиралар ва эпиграммаларида Коммунистик партия идеяларини кенг пропаганда қилди. Унинг асарлари Ватанимизнинг ички ва ташқи душманларига қарши қаратилган жанговар қурол вазифасини ўтади.

Халқ хўжалигини тиклаш, мамлакатни социалистик индустриалаш ва социализм ғалабаси учун бўлган барча курашларда социалистик воқеликларни чуқур бадиий пафос билан куйлади. Айрим бюрократ, ишёқмас дангасаларни, синфий душманларни қаттиқ сатира ўтига олди.

Ватанпарвар шоир Улуғ Ватан уруши йилларида ўз ижодий кучини она-Ватан озодлиги ва мустақиллигини сақлаб қолиш учун курашга қаратди. Унинг «Ватан ифтихори», «Рус қизи», «Баҳор байрами», «Ғалаба байрами» каби ўнлаб шеърларида совет ватанпарварлиги, гуманизм ва интернационализм ғоялари тараннум этилди.

Атоқли шоирнинг халқ ва Ватан олдидаги хизматлари юксак тақдирланди. У, ҳукуматимиз томонидан Қизил Байроқ ҳамда Ленин орденлари билан мукофотланди.

Демьян Бедний 1945 йил 25 майда вафот этди. Лекин унинг бой ва ранг-баранг ижодий мероси ўлмасдир, у халқимизни коммунистик руҳда тарбиялашда катта аҳамиятга эгадир.

С. МИРВАЛИЕВ.



ТОШКЕНТ. Суратда: Бируний майдони. М. Турсунхўжаев ва Р. Рустамов фотоси.

Дипломантлар

Шу кунларда Ўрта Осиё Давлат университетида кутубхоналар, қироатхоналар, лаборатория ва фан кабинетлари студентлар билан гавжум. Айниқса V курс студентлари ўзларининг кўп вақтларини ана шу жойларда ўтказмоқдалар. Улар диплом ишларини ёзиб тугатиш олдидалар. Филология факультетининг V курс студентларидан Д. Раҳматова ёзувчи Шариф Ризонинг ҳаёти ва ижоди ҳақида, Р. Камолова «Девони Ниҳоний» (Ҳамзанинг девони), М. Мирзоахмедова «Ҳамзанинг «Жаҳон сармоясининг охирги кунлари» пьесаси ҳақида», М. Раҳимова «Равшан» достони ҳақида» деган темаларда диплом иши ёзмоқдалар.

Шунингдек Ўрта Осиё Давлат университетининг физика-математика, география, химия, тарих ва бошқа факультетларини битирувчи студентлар ҳам диплом ишлари устида кунт ва сабот билан иш олиб бормоқдалар.

Н. ҲАКИМОВА.

„Учувчи автомобиль"

Ишчи ва инженер-техник ходимлар, конструкторлар группаси бош конструктор Н. И. Камов раҳбарлиги остида тўрт ўринли «Учувчи автомобиль» - вертолет яратдилар.

Янги машинадан ўрмонли, кўл ва дарёлари кўп бўлган районлардаги ҳаво йўлларида кенг фойдаланиш мумкин. Янги вертолет пассажирлар ташишда, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашда қулай воситадир. «Учувчи автомобиль»ни касалларни ташишга ҳам осонгина мослаштириш мумкин. Бунинг учун вертолетдаги тўртта креслонинг бири олиниб, унинг ўрнига махсус медицина замбилини ўрнатиш кифоя.

«Ка-18» — вертолетига А. Г. Ивченко конструкцияси асосида яратилган 250 от кучига эга бўлган қудратли двигатель ўрнатилгандир. Янги ҳаво автомобилининг крейсер тезлиги соатига 120 километрдир. Ёқилғи бакининг ҳажми ҳийла катта бўлиб, вертолет тўрт ярим соат давомида ерга қўнмасдан уча олади. Суратда: «Ка-18» вертолети ҳавода.

С. Преображенский фотоси,

(ТАСС фотохроникаси).

Тарих музейининг янги экспонатлари

Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг кўпчилик бўлимлари янги экспонатлар, моддий ёдгорликлар ва бошқа турли тарихий ҳужжатлар билан бойиди. Ибтидоий жамоа ва қулдорчилик даврига оид бўлимларга қўйилган янги экспонатлар орасида питекантроп-одамнинг реконструкция қилинган ҳайкали, синантроп-одамнинг ов қилиш вақти ва эрамиздан бир неча минг йиллар илгари Қорақалпоғистонда яшаган одамлар томонидан ясалган қамиш ўтовлар макетини кўриш мумкин. Бундан ташқари академик С. П. Толстовнинг 1956-1957 йилларда Хоразм территориясида олиб борган текширишлари натижасида топилган энг қадимги қулчилик истеҳкоми «Қўй қирилган» қалъасининг макети ҳам диққатга сазовордир.

Музейнинг феодализм даврига бағишланган бўлими рассом Л. Абдуллаевнинг «Қулчиликка ҳайдаш», «1160 йилда Бағдодда Абу Али ибн Сино асарларининг ёндирилиши», «1207 йилда Бухорода Малик Санжар қўзғолони» ва бошқа акварель картиналари билан бойиган.

Улуғ Октябрь революциясининг 40 йиллигига бағишланган бўлимда революция ва гражданлар уруши даврида курашган қизил аскарларнинг кийим-бошлари ва қуроллари билан бирга, М. В. Фрунзе томонидан музейга совға қилинган қилич, Тошкентдаги революцион ҳаракатларнинг актив қатнашчиси С. Қосимхўжаевнинг милтиги ва бошқа қимматли ёдгорликларни учратиш мумкин. Шунингдек, музейнинг совет даврига бағишланган залида ҳам кўпгина янги экспонатларни учратиш мумкин.

Музейга келувчилар бу янги экспонатларни қизиқиш билан кўздан кечирмоқдалар.

Т. ФАЙЗИЕВ,
музейнинг илмий ходими.

Колхоз клубида концерт

Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхози клубида концерт бўлди. Концерт колхоз бадиий ҳаваскорлари томонидан қўйилди. Колхозчи ҳаваскорлар Москвада бўладиган ўзбек адабиёти ва санъати декадасига тайёрлаган янги репертуарларини тамошабинларга кўрсатдилар. Концертда колхоз ҳаваскорларидан Сон Вера, Ким Рая, Эм Валя ва бошқалар ўз номерларини яхши ижро этиб, тамошабинлар томонидан қизғин кутиб олиндилар.

А. КИМ.

Тамошабинлар миннатдорчилиги

Оҳангарон районига гастролга келган Ўзбекистон Давлат эстрадасининг артистлари яқинда «Оҳангарон» совхозида концерт қўйиб бердилар. Концертда эстрада артистларидан Э. Мирмаҳмудова, И. Каттаев, Н. Раҳмонова, Ғ. Тожиаълоев ва бошқалар янги репертуарларни ижро этиб, тамошабинлар олқишига муяссар бўлдилар.

З. НИШОНОВ.

Ҳамза ижодига бағишланган кеча

Октябрь районининг Шўралисой қишлоғидаги Улуғбек номли 16-мактабда ўзбек совет адабиётининг асосчиси, атоқли драматург ва композитор Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ижодига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Кечада мактаб ўқувчиларидан О. Рамазонова, Ж. Шодмонқулов, Г. Худойберганова, М. Асқаровлар Ҳамза Ҳакимзоданинг кўкиррали адабий фаолияти тўғрисида турли темаларда доклад қилдилар. Кечанинг охирида мактаб ҳаваскорлари Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» пьесасидан айрим парчаларни кўрсатдилар. Кеча қизиқарли ўтди.

А. НУРМАТОВ.

ШАХМАТ БУЙИЧА ЖАҲОН БИРИНЧИЛИГИ УЧУН БУЛАЁТГАН МАТЧ

Жаҳон биринчилиги учун бўлаётган матчнинг чала қолдирилган 15-ўйини 11 апрелда СССР Марказий шахмат клубида давом эттирилди.

41-юришда тўхтатилиб, чала қолдирилган бу ўйинда Ботвинникнинг қўли баланд эканлиги илгари хабар бериб ўтилган эди. Бироқ, ўйин давом эттирилганда Ботвинник ўзининг шу афзаллигини ишга солиш учун унчалик яхши бўлмаган юриш қилди. Ҳар иккала томон бир-бирларининг руҳларини уриб олганларидан кейин, Смислов ўзини бир мунча ўнглаб олди. Ўйиннинг мароқли ва шиддатли кураш вазиятида давом этиши турган гап эди.

Шу пайтда гроссмейстерларнинг шахмат ўйинида жуда кам учрайдиган ҳодиса рўй берди. Эллик бешинчи юришда Ботвинник мусобақа учун белгиланган вақт тугагунча охирги икки юриш қилмасдан туриб ўйлаш билан банд бўлиб қолди ва шу тариқа тўсатдан вақтни ўтказиб юборди. Ботвинник вақтни ўтказиб юборганлиги учун бу ўйинда ютқизди, деб ҳисобланди.

Шу тариқа матч ҳисоби Ботвинник фойдасига 9:6 бўлиб қолди.

12 апрелда матчнинг ўн олтинчи ўйини ўйналади.

(ТАСС).

АСТРОНОМЛАР ХАЛҚАРО КОНГРЕССИ — 1958 ЙИЛНИНГ ЭНГ КАТТА ИЛМИЙ ВОҚЕАСИДИР

Астрономларнинг халқаро X конгрессини Совет Иттифоқи пойтахтида ўтказишга тайёргарлик кўриш мунасабати билан астрономлар халқаро союзининг Москвага келган бош секретари профессор Петер Оостергоф матбуот вакиллари билан суҳбатда бундай деди:

— Доимий халқаро илмий кооперацияга, илмий тадқиқот ишларининг планларини келишиб олишга, кузатишларнинг натижаларини ўртоқлашишга астрономия бошқа аниқ фанларга қараганда ҳатто кўпроқ муҳтождир, дейиш мумкин.

1919 йилда астрономларнинг халқаро союзи тузилган эди. Ҳозирги вақтда 39 мамлакат бу союзнинг аъзосидир. Совет Иттифоқи шулар орасида катта ўринларнинг бирини олиб турибди, совет астрономиясининг муваффақиятларига эса ҳамма тан бермоқда.

Москвада чақириладиган конгресс ўз ишларини астрономлар халқаро союзининг доимий 40 комиссиясида олиб боради. Бу комиссиялар астрономия фанининг турли соҳаларидаги тадқиқотларни уйғунлаштириш масалалари билан шуғулланадилар.

Совет Иттифоқида учирилган сунъий йўлдош менинг ватаним Голландия устидан биринчи марта ўтганида бизнинг мамлакатимизда нақадар зўр ҳаяжонланиш бўлганлиги сира эсимдан чиқмайди. Сунъий йўлдошлар туфайли илм-фан учун очиладиган янги методлар планеталараро муҳитни, қуёш нурларини ва шу каби ларни ўрганишга доир мураккаб масалаларга жавоб бериши мумкин.

Профессор Оостергоф мухбирларнинг саволларига жавобан, Совет Иттифоқида конгрессга тайёргарлик юзасидан кўрилган чора-тадбирлар конгресснинг муваффақиятли ўтказилишидан далолат беради деб мамнуният билан қайд қилди.

Астрономларнинг Москвада ўтказиладиган халқаро конгресси, — деди профессор Оостергоф — 1958 йилнинг энг катта илмий воқеаси бўлади. (ТАСС).

СССР ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИДА

Кечки газеталар ходимларининг Бутуниттифоқ ижодий семинари

Мамлакатдаги кечки газеталар ходимларининг 8 апрелдан 11 апрелгача давом этган семинари тамом бўлди. Бу семинарни СССР Журналистлар союзи ташкилот бюроси уюштирди. Семинарда кечки газеталар редакциялари ходимларидан 40 га яқин киши, шу жумладан газета редакторлари, масъул секретарлари, бўлим мудирлари қатнашдилар. Семинарда кўпдан буён чиқиб келаётган кечки газеталар «Вечерняя Москва», «Вечерний Ленинград», «Вечерний Киев» ва бошқа газеталар редакцияларининг вакиллари ўз тажрибалари ҳақида сўзлаб бердилар. Москванинг тажрибали журналистлари ана шу газеталарнинг ишларини обзор қилдилар.

Газеталарнинг мазмуни, газета саҳифаларининг безатилиши ва редакцияларнинг иш методлари муҳокама қилинди. Кечки газеталарнинг саҳифаларида партия турмуши, пропаганда, маданият, турмуш, шаҳарларни обод қилиш, халқаро ҳаёт масалаларини ёритиш тўғрисида гап борди.

СССР Журналистлар союзининг ташкилот бюроси 22-24 майда Москвада очеркистларнинг Бутуниттифоқ ижодий семинарини ўтказишга қарор қилди. (ТАСС).

ФУТБОЛ

Биринчи ғалаба

Кеча «Пахтакор» марказий стадионида футбол бўйича 1958 йил биринчилиги учун «Б» класс мусобақалари бошланди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитетининг раиси ўртоқ Исмоиловнинг қисқача табрик сўзидан сўнг Магнитогорск «Металлург» ва Тошкент «Меҳнат резервлари» командаларининг капитанлари мусобақа байроғини кўтардилар. Бир неча минутдан сўнг бу ҳар икки команда мусобақани бошлаб юборди.

Тошкентликлар ўйиннинг бошиданоқ актив ҳужумга ўтадилар ва ўнинчи минутда кўплашиб бир тўп киритишга муваффақ бўладилар. Меҳмонлар шу минутдаёқ ҳисобни тенглаштириш имкониятига эга бўлган эдилар, бироқ чап қанот ҳимоячиси дарбозага кириб кетаётган тўпни боши билан қайтарди.

Ўйиннинг охиригача 1:0 ҳисоби ўзгармади. Меҳмонлар лоақал мағлубиятдан қутилиб, дуранг қилиш учун зўр жаҳду-жадал қилсалар ҳам натижа чиқмади.

Шуни алоҳида такидлаш керакки, тошкентлик марказий ҳужумчи Соловьев икки марта «нақд» тўпни кирита олмади.

З. ИСРОИЛОВ.

Пул-буюм лотереяси ютуқлар тиражи олдидан

10-13 майда Тошкентда пул-буюм лотереясининг ютуқлар тиражи ўтказилади. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тиражни ўтказувчи комиссияни тасдиқлади. Комиссия составида саноат корхоналари, колхозлар, муассасалар, ўқув юртлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг вакиллари, ҳарбий хизматчилар, журналистлар бор.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси М. Т. Турсунов тираж комиссиясининг раиси, республика молия министри В. М. Муродхўжаев, Ўзбекистон касаба союзлари Совети раиси Ж. Қ. Хўжаев, Ўзбекистон ССР савдо министрининг ўринбосари А. А. Матвеев, Ўзбекистон ССР давлат меҳнат омонат кассалари ва давлат кредити бошқармасининг бошлиғи К. А Алиев — раис ўринбосарлари қилиб тасдиқланди.

Пенсионер Ш. Гойибжонова, Тошкент темир йўли тепловоз депосининг машинисти Б. Эрматов, Қорақалпоғистон АССР Тўрткўл районидаги Навоий номли колхознинг звено бошлиғи К. Машарипов, «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакциясининг бўлим мудири Х. Носиров, Самарқандаги «Ҳужум» пиллакашлик фабрикасининг цех инструктори М. Саргирова ва бошқалар комиссия аъзолари қилиб тасдиқланди. (ЎзТАГ).

Тошкент колхоз бозорлари янада обод бўлади

Шу кунларда Тошкент шаҳар колхоз бозорларини ободонлаштириш ҳамда янги қурилишлар юзасидан катта ишлар қилинаётир.

Олой бозорида зарур ускуналар билан жиҳозланган ҳашаматли гўшт-сут корпуси тез кунда фойдаланишга топширилади. Шунингдек, Октябрь район колхоз бозорида мева ва сабзавот маҳсулотлари билан савдо қилувчи катта корпус қурилмоқда. Янги савдо корпуслари, магазин ва ошхона бинолари қуриш ишлари Фрунзе районидаги колхоз бозорида ҳам олиб борилаётир. Киров районида эса янги колхоз бозори қуриш учун 10 гектар ер ажратилди. Юқоридаги талабларга 6 миллион сўм сарфланади.

Тошкентдаги эстрада театрида Саратов филармонияси артистларининг гастроли муваффақият билан ўтмоқда. Коллективнинг «Саратов фожиалари» деган сатирик программаси пойтахт тамошабинларига ғоят манзур бўлмоқда. Суратларда: 1. артистлардан Валентина Небожина ва Александр Кошкин Саратов лапарини ижро этмоқда. 2. эстрада артистларининг Бутуниттифоқ конкурси дипломанти Лев Горелик «Балиқчи» ўйинини ижро этмоқда. И. Глауберзон фотоси.

ЎТМИШДАН

Бутун дунё бўйлаб автомобиль пойгаси

Бундан 50 йил муқаддам, 1908 йилнинг 12 февралида 6 та автомобиль Нью-Иоркдан Олбани шаҳрига қараб йўл олади. Машиналарнинг 3 таси америкаликларга қарашли бўлиб қолганлари эса итальян, немис ва французларга тегишли эди. Бу бесўнақай, такомиллашмаган автомашиналарда Аляска ва Сибирь орқали Нью-Иорк — Париж маршрути бўйича узоқ, машаққатли саёҳат қилиш керак эди. «Нью-Иорк Таймс» ва «Матен» газеталари томонидан ташкил қилинган биринчи бутун дунё бўйлаб автомобиль пойгаси ана шундай бошланган эди.

Ботқоқ, қор ва бошқа йўл қийинчиликлари пойганинг биринчи ойларидаёқ 3 автомобиль командасини пойгани давом эттиришдан воз кечишга, пойга ташаббусчиларини эса маршрутни ўзгартириб, ундан Аляска ва Чукоткани чиқариб ташлашга мажбур қилади. Қолган пойгачилар—немисларнинг «Протос», америкаликларнинг «Томас Флайёр» ва итальянларнинг «Зюст» машиналари Сиэтлага қараб йўл оладилар. Немислар ғирромлик қилиб «Протос»ни платформага юклаб Нью-Иоркдан Сиэтлагача бўлган масофанинг бир қисмини поездда босиб ўтадилар. Бунинг учун улар кейинчалик штраф тўлаганлар.

Немис ва итальянлар пароходга тушиб Сиэтладан Владивостокка қараб сузадилар. Америкаликлар эса Аляска орқали ўтишга уриниб кўрадилар, бироқ йўл йўқлигидан Сиэтлага қайтишга мажбур бўладилар.

22 майда пойга Россия территориясида бошланади. Йўлнинг жуда лойлиги пойгачиларни бутун Сибирь бўйлаб темир йўл полотносида юришга мажбур қилади. 18 июлда «Протос» Москвага етиб келади, орадан 3 кун ўтгач эса «Томас» унга етиб олади. Жуда орқада қолиб кетган «Зюст» бу вақтда ҳали Омскда ётган эди.

Америка ва немис пойгачилари Москвадан Петербург ҳамда Берлин орқали Парижга йўл оладилар ва 1908 йилнинг 30 июлида Парижга етиб келадилар.

Ўша вақтдаги рус газеталарининг ёзишича, Россия аҳолиси пойгачиларни хурсандлик билан кутиб олган. Руслар ўз автомобиль саноатлари йўқлиги сабабли бу қизиқ ўйинда қатнаша олмаган бўлсалар ҳам, пойгачиларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатганлар.

Телевизор экранида

13 апрелда

15.00 Болалар учун «Оқ ёл» номли бадиий фильм.

16.50 «Пахтакор» стадионидан футбол ўйини олиб кўрсатилади.

19.30 Радио эшиттириш ва телевидение комитети солистлари ва халқ чолғу оркестри ижросида концерт.

20.30 Киножурнал.

20.40 Бадиий фильм — «Восемь» шахтасидаги ҳодиса».

14 апрелда

19.30 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун ўзбек тилида эшиттириш.

19.50 Киножурнал.

20.00 Рус тилида «Революциянинг сафарбар жангчиси» деган эшиттириш.

20.45 Ҳужжатли фильм — «Дўстлар санъати».

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА— 16/IV кеч соат 8 да СССР халқ артисти **Аброр Ҳидаятов бенефиси** — 500-спектакль **Отелло.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Сатира, юмор, қизиқчилик кечалари** ва бошқа номерлар. Бугун 3 марта тамоша кўрсатилади.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 15 ва 16/IV да Ўзбекистон ССР халқ артисти **Мукаррама Турғунбоева** ва Ўзбекистон халқ ҳофизи **Маъмуржон Узоқов концерти.**

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун **Вақт борида.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 да кундуз 4 да **Ёш гвардия** (2-серия), қолган сеансларда **Емирилган қалъа.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз соат 1 ярим, 3-15 минут, кеч 5 ва 8 яримда **Вақт борида,** қолган сеансларда **Емирилган қалъа.**

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги ва Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши 13 апрель соат 12 дан 17 гача, Округ офицерлар уйи биносида БОЛАЛАР КИЙИМИ ВА ПОЙАФЗАЛИ кўриш - виставкасини ўтказадилар.

Виставкани ҳамма кириб кўриши мумкин.

МУШТУМ

ЖУРНАЛИ ОБУНАЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Муштум» журнали 1958 йилнинг июлидан бошлаб ойига икки марта чиқади. Шу муносабат билан журналнинг обуна баҳоси ҳам ойига бир ярим сўм ўрнига 3 сўм бўлади.

Обунангизни 1958 йил охиригача давом эттириш учун обуна бўлган жойингизда 9 сўмдан қўшимча ҳақ тўлашингиз керак.

Янгидан обуна бўлишни хоҳлаганлар ҳамма «Союзпечать» ва почта бўлимларига мурожаат қилсинлар. Обуна баҳоси: май ойидан йил охиригача — 12 сўм.

Бирлашган нашриёт. Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг Матбуот тарқатиш бўлими — «Союзпечать».

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 136, Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими— 132. Секретариат — 115,50. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 00954. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № Б-451.